



بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Абдуқаюм ХИКМАТ

РАМАЗОН ТАРОВАТИ



Ажабо, атрофга бунчалар хушбўй хид таралмоқда. Бу хушбўйлик раҳмат, мағфират, оташи оловдан сақланиш оий келганидан дарак бериб, дилга хуш ёқади. Қалби пок инсонлар бу муаттар бўй тароватини муборак Рамазон бошланишидан бир мунча илгарироқ хис этадилар. Зеро, ҳар бир мўмин бу дамларни интиқиб, орзиқиб кутади. Аввало, Қуръони Каримнинг Рамазон ойида ер юзига нозил қилина бошланиши бу ойнинг нақадар улуглигига далолат. Бу ҳақда Аллоҳ бизга шундай деб хитоб қилади:

شهر رمضان الذي انزل فيه القرآن

“Рамазон ойида Қуръони Карим нозил қилинди” (Бақара, 185-оят).

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу муборак ойнинг таширифи хақида марҳамат қилиб: “Кимда-ким Рамазон оий кириб келишидан хурсанд бўлса, жаҳаннам ўти унга ҳаром қилинади. Чунки бу ойда жаннат эшиклари очилади, жаҳаннамнинг эшиклари эса беркитилади, шайтонлар кишанланади”, деганлар.

Ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло: “Одам боласининг барча амаллари ўзи учун, аммо рўза Мен учун. Унинг мукофотини ўзим бераман”, деб марҳамат қилади.

Рўза банданинг таквосини оширадиган омиллардан биридир. У нафсадаги шахват ва қибр қурган ҳар қандай салтанатларни парчалайди, инсонни улуг мартабага кўтаради. Энг муҳими, чин ихлос билан тутилган рўза Аллоҳ ва банда ўртасидаги тўсиқ-пардаларни кеткизади, мусулмонлар бирлигини мустаҳкамлайди, бою камбағал, шоҳу гадо, ҳамма-хаммани бир қаторга қўяди.

Рўза холис Аллоҳ учун, яъни, Буюк Яратувчимиз буюргани учунгина тутилади. Ундан бошқа мақсадлар кўзланмайди. Саломатликни тиклаш ёки вазнини тўғрилаб олиш учун ёхуд иқтисод мақсадида эмас. Фақат Аллоҳ учун, Унинг буйруғини адо этиш учун.

Айримлар рўзани фақат ейиш - ичишдан тий-

илишгина деб тушунишади. Аммо бу жуда тор тушунишдир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло яна бир ҳадиси қудсийда айтадики: “Кимда-ким Мен ҳаром қилган нарсалардан аъзоларини тиймаса, Менинг учун рўза тутиб, таомдан ва ичимликлардан тийилишига ҳожат йўқ”.

Уламоларимиз рўза тутувчиларни уч қисмга бўлишади:

1. *Омманинг рўзаси.* Фақат ейиш, ичиш ва жимодан тийилиш.

2. *Солиҳларнинг рўзаси.* Кунда еб-ичишдан тийилишдан ташқари, бошқа барча аъзолар ҳам гуноҳ ишлардан сақланади. Бундай рўза бешта амални давомий бажариш билан камолга етади:

– шариат мазаммат қилган барча нарсалардан кўзни тийиш;

– тилни ғийбатдан, ёлғондан, чақимчиликдан, ёлғон қасамдан сақлаш;

– макруҳ гап-сўзларга қулоқ тутмаслик;

– барча аъзоларни ёмон ишлардан тийиш, шубҳали таомлардан парҳез қилиш. Чунки ёмон ишлардан ва ҳаром луқмадан тийилмасдан туриб тутилган рўзада хайр ҳам, савоб ҳам бўлмайди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу ҳақда: “Қанча-қанча рўзадорлар оч ва чанқок қолдилар”, деб марҳамат қилганлар. Яъни, фақат очикиб, чанқаганлари қолди, гуноҳлардан тийилмаганлари туфайли ҳеч бир савоб ололмадилар;

– ифтор вақтида ҳаддан зиёд тўйиб кетмаслик. Зеро, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ортиқча тўйган қорин ҳам Аллоҳнинг ғазабини келтиришини айтганлар.

3. *Пайғамбарлар ва сиддиқларларнинг рўзаси.* Бунда юқоридаги айтилганлар билан бирга бутун вужуд, қалб ҳам рўза тутаяди, хатто фикр, дил рўзадор бўлади.

Тилагимиз шуки, фазилатларга бой Рамазон ойини чинакам мусулмонга хос тақво ҳамда хурсандчилик билан ўтказайлик. Аллоҳдан барчага тинчлик, хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, умид ва ихлос билан тутган рўзаларимизни даргоҳида қабул этишини сўраб қоламиз.

«HIDOYAT»

Ўзбекистон мусулмонларининг
ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашри

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД
РАУФХОН

Техрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ
Фозил қори СОБИР
Абдураззоқ ЮНУС
Анвар ТУРСУН
Эркин МАЛИК
Сирожиддин АҲМАД
Абдуқаюм ҲИКМАТ
Нуриимон АБУЛҲАСАН
Абдулмажид МУСАБЕК
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Абдулжалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани

Абдулбоқи ҳожи ИМОМХОН
ўғли тайёрлади.
Бадий муҳаррир
Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ
Тартибловчи
Ёқуб УМАР
Компютерчи
Мунира МАСЪУДАЛИ қизи
Мусаҳҳиҳа
Райҳона ХОЛБЕК қизи

Журналнинг Тарғибот-ташвиқот
марказлари:

Фарғона вилояти бўйича - 242528
Директори Салоҳиддин Нуриддин
Андижон вилояти бўйича - 244172
Директори Ўктам Умурзоқов

Манзиланиз: 700069, Тошкент шаҳри,
Зарқайнар 18-берккўча, 47а-уй. Телефон:
40-17-97.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мат-
буот қўмитасида рўйхатга олинган. Гу-
воҳнома рақами 00079.

Босмахонага 2000 й. 23 нўябрда тоши-
рилди. Босишга 2000 й. 22 нўябрда рух-
сат берилди. Қоровз бичими 84x108 1/16.
Адади 4500 нусха.

«Biznes-print» шўъба корхонасида чоп
этилди. 34-сон буюртма.

Муқова «KONI-NUR» МЧЖда босилди.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Макет асл нусхаси Рептиш-III компю-
терда терилди ва саҳифаланди.

Тахририятга келган қўлёзмалар
қайтарилмайди. Мақолалар тақриз
қилинмайди.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Журналимиз саҳифаларига оят ва ҳадислар
берилаётгани учун уни ноҳоиз жойларга
ташламаслигингизни сўраймиз

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

4

ОМОНЛИК КЎРҒОНИ

Ўзимизни руҳан ва жисман тиклаш фурсати бўлган
Рамазони шариф рўзасини тутиш неъматини барчамизга
муборак бўлсин.

5

Рамазон келди юртимизга

РЎЗАДОРЛИК

Ўил бошига кўнган ҳуқоқи.

Мўъжизага, фусунга боқи.

Ҳуқи келибсиз, нарҳабо, дермиз

Тасбеҳ оқи, таровеҳ оқи...

Мовароуннаҳр уламолари

Имом ад-Доримий

6



Ҳофиз ар-Рижоъ:
“Ад-Доримийдан кўра
Пайғамбар соллаллоҳу
алайҳи васаллам ҳадисла-
рини яхши биладиган му-
ҳаддисни кўрмадим”.



7

Сурайё ЗОХИР

АЛЛОҲГА КИМ ҚАСАМ ИЧИРДИ

– Субҳаноллоҳ! Ким улуғ Аллоҳнинг газабини қўзғатиб, унга қасам ичирди?! Оддий гапига ишонмай, қасам ичишга мажбур қилдиларми?! – деб уч марта айтди-да, жон таслим қилди...

Илм масканларида

8

“ИЛМИ ЗАМОНИЙ КЎП ЎҚУЛСА...”

Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент Ислам институтининг ректори, dotsцент Абдуқаюм Азимов билан суҳбат



Расулulloҳ муаззинлари

Хазрати Билолнинг (р.а.) овози жаранглаганида, Мадинанинг мусаффо осмонларида қайғу-алам учқунлари кенг ёйлиб кетди. Овозининг таъсир кучи шунчалик юқори эдики, эшитган киши беихтиёр масжид томон йўл оларди. Мадинага пайғамбарлик замонаси қайтиб келгандай туюларди.

10

13

Бир саволим бор

Ғусл қандай қилинади?

Довуд ХУНЗИКЕР

14

АМРИҚОДА ХАТМИ ҚУРЪОН

Шаъбон ДҲЙАН



24

Ҳидоят топганлар

ФАРАНГ ХОНИМНИНГ ДАРДУ ҚУВОНЧИ

30

Бу дардга гирифтор бўлганимдан сўнг бутун аъзои баданим, бутун вужудим ларзага тушди. Фақат ундан кутулиш йўллари йўлайдиган бўлиб қолдим. Аммо, қандай қилиб? Шу жумбоқ мени гангитар эди. Турсам ҳам, ўтирсам ҳам, фикру ўйимда шу бўлиб қолди. Хатто баъзан жонимга суиқасд қилишни ҳам хаёлимдан ўтказа бошладим.

ОМОНЛИК ҚЎРҒОНИ

Халлоқи олам бандаларига ҳисобсиз моддий неъматлар ато этиш ила фазл қилиб, уларни ўз фармонларига бўйсунтишга буюрди. Ва бу билан уларга берган неъматлари комил бўлишини баён қилди. Бинобарин, илоҳий йўриқларга амал қилган инсон Парвардигор неъматларига тўла мушарраф бўлган инсондир.

Илоҳий йўриқларга амал қилиш неъматини ўзга неъматлардан ортиқроқдир. Зеро, ўзга неъматларнинг манфаати ўткинчи дунёгагина хос бўлса, ибодат неъматининг фойдаси икки дунёга ҳам тегишлидир.

Буни Рамазони шариф рўзаси мисолида кўрайлик:

Аллоҳ учун тутилган рўза қалқондир. Бу сифатли рўзадорнинг рўзаси дунёда гуноҳ хорлигидан асраса, охирада дўзах ўтидан ҳимоя қилгай.

Рўза шайтони лаъин устидан ғалаба гаровидир. Шайтонга мағлуб кимса дунёда фисқу фасод ва зулму турғонга гирифтор бўлса, уқбода у билан оташда ҳамроҳдир.

Рўза жисмимиз закотидир. Закот эса, кўрғондир. Кўрғон ичиндаги талаф ва балолардан омондир.

Рўза жаннатга элтгувчи кўприк даҳшатларини камайтириши билан бирга жисмоний саломатлик гарови, қалб ва ақл зиёсидир.

Рўза тутиш неъматиди мужассам бўлган дунёвий ва ухровий бу фазилатларга унинг зикр этилажак суннатларига амал қилингандагина эришилади.

Барча ибодат каби рўза ибодати ҳам ниятсиз жоиз эмас. Саҳар чоғидаги ният рўзанинг суннатидир. Ният чоғида унинг холис Аллоҳ учун тутилиши, шунингдек, нафси амморани енгишга ва шаҳватларни бартараф этишга ҳам қасд қилинади. Беҳуда ва уят сўзлар, ғийбат, чақимчилик, тортишиш ва

хусуматлар мўмин учун барча ҳолда ножоиз бўлса, хоссатан, рўза ҳолида улардан тийилиш ва сукут, зикр, Қуръони Карим тиловати билан машғул бўлиш ҳар бир рўзадорга лозим суннатдир. Шу билан бирга, рўзадор ҳаром қилинган нарсаларга қараш ва

уларни тинглашдан ҳам сақланиши даркор. Зеро, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ғийбатчи ва ғийбатни тингловчи гуноҳда шерик эканини баён этганлар. Дарҳақиқат, тингланилмаса, ғийбат ҳам қилинмайди.

Ўзимизни руҳан ва жисман тиклаш фурсати бўлган Рамазони шариф рўзасини тутиш неъматини барчамизга муборак бўлсин.

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

شهر رمضان
الذي انزل فيه القرآن
هدى للناس وبيّنات من الهدى
والفرقان فمن شهد منكم
الشهر فليصمه

«Рамазон ойида одамлар учун ҳидоят бўлиб, ҳидоят ва фурқон (ҳақ билан ботилни ажратувчи)нинг очиқ оятлари бўлиб, Қуръон нозил қилинган. Бас, сизлардан ким бу ойга ҳозир бўлса, рўза тутсин».

(Бақара, 185-оят).



Баходир НУРМУҲАММАД

НИЯТИНГИЗ МУБОРАК

Яқин ўтмишимизда Рамазонни, рўзадорларни қоралаш кенг тус олган эди. Шукрим, бугун мусулмон юртимиз бўйлаб бу муқаддас ойни шарафлаш, динимиздаги энг асосий рукналар талабини адо этишга киришиш кайфияти ҳукмрон. Радио-телевидение, газета ва журналларимиз бу ойнинг фазилатларини тарғиб-ташвиқ этмоқда. Табибларимиз рўзанинг умр фойдасига оид жиҳатлари хусусида маслаҳатлар беришса, уламоларимиз Аллоҳ мўмин-мусулмонлар учун рўзани фарз қилганига бемалол далил келтиришмоқда.

Тўғриси, Рамазон арафасида ҳар кимнинг кўнглида бир энтиқиш пайдо бўлади. Яхшилардан ибратланиш, ёмонлардан узоқлашиш, имон-эътиқодли, ибодатли кишиларга эргашиш ва улар бир ой давомида бажарадиган амалларни ҳурматлашга руҳий тайёргарлик жараёни кечади. Баъзи бир ичадиган-чекадиган кишилар ўзларининг нафсини жиловлашга урина бошлайди. Гоҳида "Худо хоҳласа, шу Рамазондан бошлаб ичишни ҳам, чекишни ҳам ташлаб намозга кираман!" тарзидаги гўзал ниятларни қалбига тутади. Зотан, амаллар ниятга боғлидир.

РЎЗАДОРЛИК

Рўзанинг биринчи куни. Хар кунгидан бошқачароқ кайфиятда кўчага чиқилади. Нафс тийилади. Нафс рўза тутади. Кўз тийилади. Кўз атроф-жавонибдаги жозиб, аммо ножоиз сувратларга қарамайди — рўза тутади. Ҳолбуки, атрофда шовқин-сурон, бақир-чақир, яхши сўз, ёмон сўз. Ёмон сўз эшитилмайди. Қулоқ рўза тутади. Умуман олганда, мусулмон кишининг бугун вужуди руҳи рўзадор.

Кимдир сиз билан айтишиб қолса ёки нохуш-ҳаракатга чоғланса, бир оғиз сўз кифоя: "РЎЗАДОРМАН..." Шубҳасиз, қаршингизда дарвазаб турган, эҳтимол, фаромушхотирлик боис моҳи Рамазон ҳаёлидан кўтарилган киши ўзига келади, мулойим тортади. Балки узр ҳам сўрайди. Рамазон — нафсни сабрга чорлайдиган, ёмонликлар йўлини бойлайдиган, хўмрайганни юмшатадиган ойдир.

Балки кун бўйи хизмат юзасидан югур-югур қилибми, оғир жисмоний меҳнат туфайлими очиқиб кетгандирсиз. Сиз кутган дамлар келади: кувеш ётоғига равона бўлган, сиз Аллоҳнинг фарзи нақадар азиз-мукаррам, неъматлари нақадар қийматли эканини ҳис этган ҳолда, ниҳоят, дастурхон атрофида ўтирибсиз. "Аллоҳу акбар! Аллоҳу Акбар!!" Атрофга шом азони тарала бошлайди. Оғиз очиш вақти киради. Минг-минглаб рўзадорлар ифторлик учун дуога қўл очади.

Ибодат ўринлатилиб, нафс қондирилади. Очлик ва тўқлик ҳис этилади. Қайралиб турган қиличлар

Рамазон — белгили ой. Рамазон — хайр-эҳсон оyi. Агар бирон биродаримиз садақани ниятлаган бўлса, ана Рамазон яқин — шуни кутади. Яна қайсидир биродар ўтган ота-оналари руҳи покларига, уларнинг яқинларини чақириб, тиловатни ният этган бўлса, Рамазон яқин — уни кутади, шу ой ичида ўтказишни дил-дилидан истайди.

Сир эмаски, юртимиздаги масжидлар ҳам Рамазонни орзиқиб кутади. Таровеҳ ибодатига йиғиладиган намозхонлар учун кўшимча жойлар ҳозирланади. Хатми Қуръон ўтказиш кунлари, режалари туғилади, ўтгиз пора Қуръонни ёд олган қорилардан кимни таклиф этиш масалалари муҳокама этилади.

Бу баракотли ойда тайёргарлик ҳар оила доирасида ҳам ўзига яраша файзли кечиши табиий. Жиндай иқтисодчи, бир оз тежамкор уй соҳибларининг қўллари ҳам бу ойда очилиб кетади. Неки неъмат, озиқ-овқат лозим бўлса, имкони қадар эртароқ гамлашга киришилади, қўни-кўшни, узоқ-яқин биродарларга ифторлик бериб, дуо олиш дилга туғилади.

Ниятларингиз муборак бўлгай, азиз юртдошлар.

сингандек бўлади, лойқаланган тафаккур тингандек бўлади, шоир қаламига илҳом ингандек бўлади:

Йил бошига қўнган ҳумойи,
Мўъжизага, фусунга бойи.
Хуш келибсиз, марҳабо, дермиз
Тасбеҳ оyi, таровеҳ оyi...¹

Сафларга тизилиб таровеҳ ўқилади, изма-из, навбатма-навбат тасбеҳ айтилади.

Бир ой мобайнида шу гўзал кайфият, шу гўзал ибодат такрорланади. Хусуматлар унутилади, араз-гўйлар ярашади, душманлар дўстга дўнади, дўстларда саховат ошади. Ҳамма Лайлатул қадрни топишни истайди.

Ўлдирса ҳам, лаззат берар ўқ,
Талпинади кўкка — кўнгил тўқ,
Тангрим беҳад меҳрибон, аммо
Қадр туни ўзга ойда йўқ.²

Ва орадан сал ўтиб, бутун мамлакат миқёсида байрам — Ййди Рамазон намози ўқилади. Тасаввурга осон — катта-кичик, ёш-қари, бола-бақир жойнамозни қўлтиқлаб, саҳармардондан масжидлар томон йўналади. Савобдан умид этади. Масжидлардан қайтилади. Қўтловлар... Аллоҳ таолонинг ўзи янаги шу кунларга етказсин.

1,2. Ўзам Ўктамнинг "Рамазон" шеърдан.

Таваллудлари

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ибн ал-Фазл ибн Баҳром ибн Абдуссомад ат-Тамимий ад-Доримий ас-Самарқандий ҳижрий 181 санада Самарқанд шаҳрида таваллуд топган. Алломанинг ўзи марвлик машҳур олим Абдуллоҳ ибн Муборак вафот этган йилида туғилганини хабар берган. Бу сана эса, 181 йилга тўғри келади. Алломанинг ёшлик йиллари ҳақида бизгача маълумот етиб келмаган.

Имом ад-Доримий

Илм излаб

Аллоҳ таоло у зотга заковат, зеҳн, фаҳм, кучли қувваи ҳофиза ато этди. Ёшлигиданоқ илмга меҳр қўйиб, замонасининг машҳур устозларидан таълим олди. (Афсуски бу ҳақда ҳам тўла маълумотларга эга эмасмиз.) Ундаги қобилият ва тавозуъ барчанинг, айниқса, устозларининг меҳрини янада оширар эди. Абдуллоҳ катталардан ҳам, кичиклардан ҳам ҳадисларни эшитаверар, аммо уларнинг саҳиҳлигига ишончи комил бўлгачгина қабул этар эди.

Абдуллоҳ Самарқанддан сўнг Бухоро, Хуросон, Бағдод, Куфа, Восит ва Басра шаҳарларига бориб, у ердаги машҳур кишилардан таълим олди. Дамашк, Хумс шаҳарларининг аҳли илмлари билан учрашди. Имом ан-Насафий "Ал-Қайд фи зикри уламо ас-Самарқанд" асарида Имом ад-Доримий яна Ҳижозда Макка ва Мадина аҳли илмларидан таълим олганининг ҳам хабарини беради. Сафар давомида жамлаган илм дурдоналарини ватани Самарқандга олиб келиб, бу ердаги толиби илмларга улаша бошлайди.

Иқтидори

Аллоҳ таоло ул зотга Ислом илмларини муяссар этди, улуғ неъматига соҳиб айлади. Инсонларни унинг сабаби ила ҳидоят нуридан баҳраманд қилди. Имом ад-Доримий ҳадис илмининг турли йўналишлари бўйича излашлар олиб борди, ҳатто пешқадамларидан бирига айланди. Ҳадис иллатлари ва ровийлари ҳақидаги илми ва тажрибасига кўплаб уламолар тан беришган.

Фиқҳ соҳасида ҳам имомнинг ниҳоятда зийрак эканини кўри-

шимиз мумкин. Бунга унинг "Муснад", яъни, "Сунануд-Доримий" номи билан машҳур бўлган асари мисол бўла олади.

Имомад-Доримий шунингдек, ўзига тенгдош бўлган Аҳмад ибн Ҳанбал, Яҳё ибн Муъийн, Али ибн ал-Мадиний, Ибн Ҳайот каби олимлардан ҳам кўп нарсаларни ўрганди.

Имом ад-Доримийдан машҳур муҳаддислар Муслим, Абу Довуд, Термизий, Муҳаммад ибн Башшорлар ҳадис ривоят қилишган. Абдуллоҳ ибн Аҳмад, Исо ибн Умар ас-Самарқандийлар эса, у зотдан ҳадис илмини сабоқ олишган.

Илмий мероси

Имом ад-Доримий мусулмонларга оз, аммо жуда манфаатли илмий мерос қолдирди. Унинг ҳанузгача қайта-қайта чоп этилиб келаётган "Муснад" номи фиқҳий тартибдаги ҳадислар тўплами ҳадис китобларининг бетакроридир. Имомнинг бизгача етиб келмаган яна икки китоби — Қуръони Карим тафсири ва "Ал-Жомий" номи билан аталган ҳадислар тўплами бўлган.

Эътироф

Имом ад-Доримий жуда зеҳнли, моҳир муаллим, мароқли

суҳбатдош бўлган. Замондош ва ундан кейинги уламолар у зотнинг шаънига самимий фикрларини билдирганлар.

1. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал: "Ад-Доримий илм аҳлига имом (йўлбошчи) эди".

2. Имом ад-Доримийга устозлик қилган Ҳофиз Муҳаммад ибн Башшор шундай деб айтган: "Дунё ҳофизлари тўрттадир: Райда Абу Зуръа; Нисобурда Имом Муслим; Самарқандда ад-Доримий; Бухорода эса, Имом ал-Бухорийдир".

Имом аз-Заҳабий Ҳофиз Башшорнинг бу сўзини куйидагича талқин қилади: "Уларнинг ҳаммаси менинг шогирдларим, мен улар билан фахрланаман".

3. Имом ад-Доракутний айтди: "У ровийларнинг энг ишончлиларидан эди".

4. Ҳофиз ар-Рижоъ: "Ад-Доримийдан кўра Пайғамбар солаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларини яхши биладиган муҳаддисни кўрмадим", деганлар.

5. Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Мансур аш-Шерозий бундай деб эътироф қилган: "Имом ад-Доримий комил муфассир эди".

Имом ад-Доримий ҳижрий 255 йил зулҳижжасининг иккинчи пайшанбасида аср намозидан сўнг вафот этди. Жума куни ҳайит арафасида дафн этилди.

Исҳоқ ибн Аҳмад ибн Холафнинг айтишича, Имом Бухорий ад-Доримийнинг вафоти ҳақидаги мактубни ўқиб, бошларини куйи эгиб олганлар. Бир оздан кейин бошларини кўтариб, кўзларида жикқа ёш билан у зотнинг шаънига:

"Етди фожеъ вла мусибат мевга, Қолди замин узра хусумат мевга. Айрилиқ қалбимга солди сукунат, Аллоҳ берсин офият ва раҳмат сенга",

дея байт айтганлар.

Аллоҳ ҳаммаларидан рози бўлсин.

Нажмиддин
МИРМАҲМУДОВ



Сурайё ЗОХИР

АЛЛОҲГА КИМ ҚАСАМ ИЧИРДИ

Сўз инсонга масъулият юклайди. Бу масъулиятни хис қилмаслик эса, сўзни жонсиз қилиб қўяди. Инсоният яратилгандан бери ҳукм сураётган қонуниятга биноан ўз сўзининг устидан чиқмайдиган киши субутсиз ҳисобланади, унинг рост сўзига ҳам ишонишмайди. Аммо субутсизнинг бир қуроли, бир суянган тоғи борки, салгина ишончсизликни сезиб қолса, шуни ишлатади. Гап қасам ҳақидадир. Бугун бирон бошқотирмада “Энг осон ичиладиган нарса нима?” деган савол қўйинг, ҳамма бирдан топади: қасам!

Нега қасам бу қадар қадрсиз бўлиб қолди? Негат худа-беҳудага қасам ичилаверадиган, исроф қилинадиган бўлиб қолди? Ўрни бўлса, бўлмаса, қасамхўрлик қилинади, аммо масъулияти заррача ўйланилмайди?

Шу каби саволларнинг жавобига ташналик сездим. Ва айрим замондошларимизнинг фикрларини ўрганишга ҳаракат қилдим.

Ўзгал МАТКАРИМОВА:

– Худодан қўрқмаганлар кўпроқ ожиз ҳолатида ёлгон тарафини бекитиш учун қасам ичади.

Сабриддин ФАХРИДДИНОВ (нафақохўр):

– Ўтган йили оғир касалга чалиндим. Ўзим ҳовлида яшайман, яна бошқа уйим бор эди. Аллоҳга қасамки, агар шу касалдан тузалсам, уй жойимни садақа қиламан, дея аҳд қилдим. Яқинда уйга муҳтож бир қашқадарёлик йигитга уйимни садақа қилдим. Чунки буткул соғайиб кетган эдим.

Раҳимжон ҲОДИЕВ (ҳайдовчи):

– Ўзим кўп қасам ичмаганман. Аммо аёлим билан гап талашиб қолсак, унга: “Агар шу гапинг рост бўлса, қасам ич!” дея хотинимни қасам ичишга бир неча бор мажбур қилганман.

Матлуба ТЕМУР қизи (журналист):

– Худони ўртага қўйиб қасам ичишдан қўрқаман. Айниқса, талабалгимда кўп қасамхўрларни кўрдим. Ушанда ҳам қасамдан эҳтиёт бўлиб юганимни эсласам, хурсано бўлиб кетаман.

Зебо РАҲИМОВА:

– Инсон ёлгон қасам ичмаслиги керак, деб ўйлайман. Албатта, қилиш мумкин бўлмаган нарсалар ҳаммиса осон туюлади.

Ислоҳ динида қасам тўғрисида шундай тушунчалар мавжуд:

Аллоҳ таоло озгина дунёни деб Аллоҳга берган аҳдини бузганларга қарши жазо эълон қилади. Аллоҳ номига ичган қасамларини озгина молга сотганлар Охиратдан улуши йўқ бўлган одамлардир. Қиёматда Аллоҳ уларга гапирмайди, қарамайди, уларни покламайди ва уларга аламлантирувчи азоб йўллайди. Ёлгон қасам эгасини гуноҳга чўктириб юборувчи нарсадир. Ёлгон қасам ичишга инсон нима учун мажбур бўлади? Жасадига етадиган аламдан қўрқиб ёки бирор бир молу давлатни қўлга киритиш учун ё ўзининг нотўғри ҳаётини тўғри деб фахмлаб ёлгон қасам ичади.

Мўмин одам қасамнинг нима эканини тушунади. Агар ёлгон қасам ичса, гуноҳ ботқоғига ботиб қиёмат куни Аллоҳдан улуш оломаслигини ўйлайди, қасам ичишдан бош тартади. Расулulloх (с.а.в.) ёлгон қасам ичишни ноҳақ одам ўлдириш каторида зикр қилганлар.

Имом Жоруллох Замахшарий “Кашшоф” тафсирларида буюк араб адиби Асмаъийдан бир ривоят келтирадилар. Асмаъий бундай ҳикоя қилади:

“Бир куни Басранинг жомеъ масжидидан чиқиб кетаётган эдим, бир саҳройи араб ўтирган жойидан туриб келди-да:

– Қайси қабиладансан? – деб сўради. Мен:

– Бани Асмаъданман, – дедим.

– Қаердан келяпсан? – деди.

– Аллоҳнинг каломи тиловат қилинаётган жойдан, – дедим.

– Менга ҳам тиловат қилиб бер, – деб илтимос қилди. Мен Зорийёт сурасини тиловат қилиб, “Осмонда эса сизларнинг ризку рўзларингиз (яъни ерда мўл ҳосил бўлишига сабаб бўлгучи ёмғир) ва сизларга ваъда қилинаётган нарса (яъни жаннат) бордир” оятини ўқишим билан:

– Бас! Етади!!! – деди-да, ўридан туриб, туясини сўйиб, ўтган кетганларга худойи қилиб тарқатди. Бориб қиличи билан камонини олиб, синдириб ташлаб, бошини олиб чиқиб кетди.

Кейинчалик Хорун ар-Рашид билан ҳажга борганимда тавоф қилиб юрсам, майин овоз мени қакираётганини эшитиб қолдим. Қарасам, ўша саҳройи. Озиб-тўзиб, ранги сарғайиб кетибди. Менга салом берди:

– Яна ўша сурани ўқиб бер, – деб қолди.

Тиловат қилиб, яна ўша оятга етганимда, “Ҳақиқатда Роббимиз ваъда қилган ҳақни топдик”, деб қичқирди-да, яна ўқи, деди. Мен “Бас, осмон ва ернинг парвардигорига қасамки, албатта у (яъни сизларга ваъда қилинаётган барча нарса) худди сизларнинг сўзлашингиз каби (яъни сўзлаган сўзларингиз ўзларингиз учун қандай ҳақ бўлса, ана шундай) ҳаққи-ростдир!” ни ўқиган эдим,

– Субҳаноллоҳ! Ким улур Аллоҳнинг қазабини қўзғатиб, унга қасам ичирди?! Оддий гапига ишонмай, қасам ичишга мажбур қилдиларми?! – деб уч марта айтди-да, жон таслим қилди.

Асмаъийнинг бу ривоятини шу маънода келтирдикки, Аллоҳ ўз қудратига ҳужжат қилиб, ўзи яратган нарсалари билан қасам ичади, кишилар орасида эса, одатда, ҳ ишончини йўқотган субутсиз, ўз фойдаси учун ҳеч қандай пасткашликдан қайтмайдиган кишилар кўп қасам ичишади.

Фитратида шундай иллати бор одамларнинг бебурдлиги ҳам Аллоҳнинг қасамига сабаб бўлмаганмикан?!

“ИЛМИ ЗАМОНИЙ КЎП ЎҚУЛСА...”

XX аср бошларида Туркистон халқлари учун илм-маърифат боғбони бўлган аллома Маҳмудхўжа Беҳбудий “Ёшларга мурожаат” номли мақоласида шундай деб ёзган эди: **“Ва сизларнинг озгина илми замоний билгонингиз албатта нафъ келтурди ва, алҳамдулиллоҳ, дини мубаййинга ҳам яхши муътақидсиз ва бу илми замоний эътиқодингизни бузмади. Зотан, исломият шундай бир дини мутайин ва қобили тараққийдурки, неқадар илми замоний кўп ўқулса, инсонни яна дини исломга шунча ақидаси мустаҳкам бўлур...”** (“Ойна” журнали, 1914 йил, 21-сон.)



Хабарингиз бор, журнализмнинг 5-сонида “Диний таълимда ислоҳот” сарлавҳали мақола босилган эди. Унда диний таълим тизимини янада изчиллаштириш, ... тараққиёт билан ёнма-ён қадам ташлайдиган даражада илгорлаштириш учун ишланаётган янги дастурнинг асосий мақсад ва йўналишлари санаб ўтилган эди. Эътибор қилсак, уларнинг барчаси, Беҳбудий бобомиз айтганларидай, “илми замоний” ни кўп ўқиб-ўрган

нишга қаратилганини кўраимиз. Зеро, бугунги кунда мустақил Ўзбекистонимиз тараққиётда жаҳоннинг илгор мамлакатларига ҳамқадам бўлишга интилмоқда. Юртимиздаги исломий илм даргоҳларининг олиму толиблари ҳам ана шу эзгу ҳаракатга мўносиб ҳисса қўишини кўзлаётгани беҳад қувонарлидир.

Биз Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент Ислам олий маъҳадининг ректори, дотсент Абдуқайюм Азимов билан шу мавзуда суҳбатлашдик.

– Муҳтарам домла, рози бўлсангиз, суҳбатимизни ушбу муътабар илм маскани тарихидан бошласак. Маъҳад қачон ташкил этилгани, ташаббускорлари, жонқуярлари кимлар бўлгани билан таништирсангиз, азиз устозларни хотирлаб ўтсак...

– Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент Ислам институти 1969 йили собиқ Иттифоқ Министрлар Совети қошидаги диний кенгаш қарори билан ташкил этилган ва орадан икки йил ўтиб, 1971 йилдан фаолиятини бошлаган. Олий Ислам институтини ташкил этишда марҳум устоз, олим, давлат ва дин арбоби, собиқ Ўрта Осиё ва

Қозоғистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Зиёвиддинхон ибн Эшон Бобохон домланинг хизматлари катта бўлган.

Мана, орадан салкам 30 йил вақт кечди. Замонасининг илгор олимлари бўлган зотлар бу даргоҳда ёшларни чинакам илм хазиналаридан баҳраманд этишда ғайрат кўрсатдилар. Улар орасида Юсуфхон Шокиров, Абдугани Абдуллаев, Зокиржон домла, Шайх Исмоил Махдум ва

бошқа табаррук устозлар бор эди. Улар ҳар доим таълим-тарбия ишларига катта эътибор бериб, умрларининг охиригача талабаларга тафсир, ҳадис, фикҳ ва бошқа диний фанлардан дарс бериб ўтишган. Улардан сабоқ олган юзлаб талаба бугун нафақат Ўзбекистон, балки қўшни мустақил давлатлар, Русиянинг Татаристон, Бошқирдистон каби ўлкалари, шунингдек, Қоғқоз минтақасида ҳам жамият ва дин ривож учун фаол хизмат қилишяпти.

– Бугун барча соҳаларда бўлганидек, диний таълим тизимида ҳам катта ислоҳотлар ўтказилмоқда. Таълимнинг шакл ва мазмуни, сифатини замон талаблари даражасига кўтариш долзарб вазифага айланган. Янги таълим усуллари кенг жорий этилмоқда. Бундай ўзгаришлар маъҳададаги таълим жараёнида қандай акс этаётир?

– Тошкент Ислам олий маъҳади Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”, “Таълим тўғрисида” ги қонунлари, шунингдек, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида фаолият юритади. Маъҳад жамоасининг мақсади таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг бош тамойилларига таяниб, мавжуд эҳтиёжларга яраша динлар тарихи ва назариясини чуқур эгаллаган, Ислам дини асосларини пухта ўзлаштирган, инсонпарварлик, халқпарварлик, мустақил Ватанимизга садоқат руҳида тарбияланган, ўрганган илмларига амал қилувчи олий маълумотли исломшунослар, имом-ха-





тиблар, одобнома ва арабтили мударрислари тайёрлашдан иборатдир.

2000–2001 ўқув йилидан эътиборан, институтимизда олий таълим Давлат стандарти бўйича бакалаврлар тайёрлаш учун янги ўқув режаси асосида иш бошланди. Энди маъҳадимизда диний фанлар билан бир қаторда гуманитар, ижтимоий-иқтисодий, табиий фанлар ҳам кенг ўқитиладиган бўлди. Масалан, информатика, экология асослари, ҳозирги замон табиий фанлар концепсияси, иқтисод назарияси кабилар шулар жумласидан.

– Бугунги илм толибларнинг ўқиш-ўрганиш салоҳиятини, илм олишга иштиёқини, тиришқоклигини “турғунлик йиллари” деб аталмиш давр ёшларининг ана шундай жиҳатлари билан қиёслаш мумкинми?..

– Бугунги талабаларнинг илмга иштиёқлари жуда катта. Бизни шуниси қувонтиради. Мударриснинг маърузаси билан чекланишмайди. Бошқа манбалар қидиришади. Мустақил изланишади. Чунки ҳозир ахборотлар майдо-

ни жуда кенг қамровли. Ранг-баранг газета-журналлар, яхши китоблар кўп чоп этиляпти. Бугунги толиб албатта улардан баҳраманд. Шунингдек, радио-телевидение орқали ҳам кўп маълумотлар олади. Бугунги толибларнинг имкониятлари жуда кенг. Шунга яраша

уларда ақлий салоҳият ҳам юксак бўлиши табиий. Маъҳаднинг кўп битирувчилари Тошкент Ислам университетига, Жаҳон тиллари университетига ўқишга қираётгани бунни далиллаб турибди.

хар бир мавзунинг бугунги ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ нуқталарини тошиб, талабаларга тўғри тушунтириб бериши зарур. Ана шундай ижодий изланишлар натижаси ўлароқ, катта мударрисларимиздан Салоҳиддин Муҳиддинов икки жилдлик “Усулул фикҳ” китобини нашрдан чиқарди. Шунингдек, домламиз Аҳмаджон Бобомуродзода ҳам мақолалар, китоблар ёзишда пешқадамларимиздан ҳисобланади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

– Сўхбатимиз сўнгига “Ҳидоят” журнали ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик. Журналимизни устозу талабалар ҳам ўқишмоқдами? Муносабат-



– Маъҳад олимлари дарс ўтишда қандай дастурдан, қайси дарсликлардан фойдаланишади? Улар орасида ҳам ўз соҳаси бўйича дарслик ва қўлланмалар ёзганлари, ўқитишда янги услуб ижод этганлари борми?

– Ҳар бир мударрис ўз фанидан ўқув дастури тайёрлаган. Бу дастурлару иш режаларини услубий кенгаш тасдиқлайди. Аммо дарс жараёнида ижодий ёндашув ҳукм суриши керак. Домла-

лари қандай? Таклиф ва мулоҳазалар айтилса, янада хушнуд бўламиз...

– “Ҳидоят” журнали нашр этилиши жуда қувонарли бир воқеа бўлди. Мен ўзим журнални севиб ўқийман. Лекин шу топда журнални барча мударрис ва талабалар ҳам тўлиқ ўқишади деб айтолмайман. Масалан, талабалар учун журнал баҳоси сал қимматроқ туюлади. Таклиф деймизми, илтимос сифатида қабул қилинадими, талабаларга “Ҳидоят”нинг баҳосини бир оз қамайтирилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Абдул ЖАЛИЛ
сўхбатлашди





Расулulloҳ муаззинлари

Ёзнинг жазирама иссиқ кунларидан бири. Одам Аллоҳдан паноҳ тилаб, салқин жойга қочгиси келиб турадиган палла. Замин иссиқлигидан қайнардиган гўё. Арабистон қумликларида олов учкунлари ялтираб туради. Инсон у ёқда турсин, қурт-қумурсқаю қушларгача ин-инига кириб кетган.

Жаханнам ўтидек ёниб турган шу қумликда бир қул йигит қўлоғи занжирланган

холда, кайнок қумга чалқанча ётқизиб қўйилган эди. Кўкрагида иккита йирик-йирик тош. Золим хўжайини, қўлида қамчи, боши устида тик турибди. Вазиятдан зулмнинг микёсини ҳамда қулнинг азиятларини тасаввур қилиш қийин эмас. Оғир оғир тошлар танасини ерга босиб турганидан қулнинг терилари шилиниб-қуйиб кетган. Оғир занжир эса, бирон-бир ҳаракат қилишига йўл бермас, ўлганнинг устига тепгандек, гоҳ-гоҳ қамчи ёб қолади.

Лекин, барча бу азобларга қарамасдан, сабртоқати ва иродасига тасаннолар бўлсинки, у ҳеч қандай дод-фарёд қилмас, тилида фақат бир сўзни такрорлар эди: “Аҳад, Аҳад”, яъни, “Аллоҳ бирдир, Аллоҳ бирдир”, дерди холос. Золим хўжайин ҳар гал бу сўзни эшитганида баттар қутуриб кетарди. Чунки у бутларга сивинарди. Зотан, қандай ҳам бардош қилсин, қули унинг ҳамма бутларини инкор этиб, ягона Аллоҳга имон келтирган бўлса?!

Дарҳаққат, бу иродали қул куфрдан ва ширкдан безор бўлган эди. У Пайғамбаримиз (с.а.в.) даъватларини эшитган вақтда у зотга имон келтирди. Чин дили билан ёлғиз Аллоҳга ибодат қила бошлади, Пайғамбарга (с.а.в.) эргашди. Бу ғайратли,

жасоратли йигит ўзининг Парвардигорига бўлган имонини яшириб ўтирмади, хўжайинига очик-ойдин айтди. Мушрик хўжайинининг жазаваси ҳам айни шу боисдан эди. Қулини диндан қайтариш учун тўхтовсиз исканжага олар, Муҳаммад (с.а.в.) билан алоқани узишга мажбур этар эди. Аммо қули унга таслим бўлмади. У шундай эътиқод қилар эдики, дунёнинг беш кунлик азоб-уқубати ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Хақиқий ҳаёт охиратда давом этади. У Исломи қабул қилган кундан бошлаб, хўжайини уни ҳар куни азоблар, диндан қайтариш учун ваҳшиёна усулларни қўллар эди. Лекин бу мўмин қул унинг ваҳшиёна, разилона ҳаракатларига жавобан “Аллоҳ бир, Аллоҳ бир”, деган сўзни тўхтамасдан қайтарар эди.

Мана шундай азоб-уқубатлар бўлаётган кунларнинг бирида Ҳазрати Абу Бакр (р.а.) бу ердан ўтиб қолди. Қулнинг сабру матонатини кўриб, дилида тасаннолар айтди. Исломининг биринчи даражали душмани бўлган золим мушрикдан қулни сотиб олиб, унинг жабру ситамларидан озод қилди.

Тоғдек куч-қувватга ва ундан ҳам катта иродага эга бўлган бу қул ким эди?

Албатта, у Ҳазрати Билол (р.а.) эди!

Ҳазрати Билол (р.а.) озодликка чиқиши билан Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) хизматларига ҳозир бўлди ҳамда қолган ҳаётини Ислому учун бахшида қилди. У киши асли ҳабаш қавмидан бўлиб, Маккага яқин бир жойда туғилган, туғилишидан қул эди. Хўжайини исми Умаййа ибн Халаф Пайғамбаримизга (с.а.в.) ва Исломуга ашаддий душман эди.

Билол (р.а.) Исломи биринчилардан қабул қилди, балоғатга етган кишилар орасида Ҳазрати Абу Бакрдан кейин имон келтирган иккинчи одам бўлди.

Исломининг дастлабки паллаларида мусулмонларнинг ҳолати жуда оғир, Макка мушриклари Ислому кирганларни ниҳоятда оғир қийин-қистовларга олар эди. Ҳаммасидан ҳам Ҳазрати Пайғамбарга (с.а.в.) етказилаётган азиятлар ўтиб тушарди. Исломи қабул қилиш ўзига мусибат ва зулм келтиришдан бошқа нарса эмас эди. Хусусан, Билолдек қуллар мисли қўрилмаган азоб-уқубатларга солинар эди. У даврларда хўжайинлар қуллар устидан тўлик ҳақ-ҳуқуқли бўлганидан, кўнгиллари тусаган ишни қилишарди. Ҳеч ким уларга эътироз қилмасди. Ҳазрати Билол ҳам бу ҳолдан хабардор эди, аммо унинг қалбида Пайғамбарнинг (с.а.в.) муҳаббати ҳамда Исломининг буюклиги ўрнашиб қолгани учун бу синовларга парво қилмади. Имонида мустаҳкам туриб, инсониятга мисли қўрилмаган даражада намуна қолдирди.




Хазрати Билол (р.а.) Пайғамбар (с.а.в.) хизматларини қилишни ўзи учун бахт ва ибодат деб билди. Бора-бора у шу даражада ишоч қозондики, Пайғамбар (с.а.в.) то дунёдан кетгуналарига қадар уни ўзларига омборчи қилдилар.

Хижратнинг биринчи йилларида Пайғамбар (с.а.в.) намозхонларни бир жойга жам қилиш учун азон айтишни хазрати Билолга юкладилар. Шу боис у кишини кўплар “Пайғамбар (с.а.в.) муаззини” деб улуғлашди. Билол (р.а.) баъзи сабабларга кўра, “ашҳаду”ни “асҳаду” деб айтар эди. Лекин унинг динга бўлган меҳру муҳаббати, ихлоси ҳамда фидокорлик туйғуси Пайғамбарга (с.а.в.) хуш келар эди. Пайғамбар (с.а.в.) дунёдан кўз юмгуналарига қадар Мадина ва атрофидаги осмонларда Билолнинг (р.а.) овози жаранглаб турди. Макка фатҳ қилинганда у ердаги илк азонни Хазрати Билол айтди. Пайғамбарнинг (с.а.в.) амрлари билан Каъба томига чиқиб, айтилинган бу азон шундан далолат бердики, ўша кундан эътиборан бу уй фақат Аллоҳга ибодат қилинадиган махсус жойга айлангани ҳамда бутун Араб ярим оролларида Ислому нашидаси ғалаба қозонганидан далолат берди. Бундай шарафли вазифа Билолга (р.а.) насиб қилди.

Ислому инсоният дунёсига тенглик-баробарлик ҳуқуқини олиб келди. Масалан, Билол (р.а.) асли ҳабаш қабиласидан, қора танли ва туғилишидан кул эди. У даврда арабларнинг ҳамма қабиласи, хусусан, Қурайш қабиласи энг олий насабли қабилалардан ҳисобланарди. Арабдан бошқа халқларга паст назар билан қараб, одам ўрнида кўришмасди ҳатто. Лекин Билолга (р.а.) шундай улуғ мақом берилдики, Қурайшнинг энг улуғ каттақонларига ҳам бу мақом насиб бўлмаган. Хазрати Билолни кул деб эмас, балки, бизнинг улуғимиз, деб қақирар эдилар. Чунки Ислому инсоннинг насл-насабига, ранги рўйига ва ватанига қараб баҳо бермайди, балки унинг тақвоига қарайди.

Хазрати Билол ҳамisha Пайғамбар (с.а.в.) билан бирга бўлди. Барча ғазотларда Пайғамбарни (а.с.) ҳимоя қилиб турди. Шу боисдан ҳам бўлса керак, Расулulloҳ (с.а.в.) дунёдан кўз юмганларида Хазрати Билол (р.а.) ғамга ботиб, кайфияти ниҳоятда ночор аҳволга тушиб қолди. Азон айтишни ҳам тарк этди. Чунки Пайғамбардан (а.с.) ажралганлик ҳис-туйғуси унинг қалбини титратарди. Маълум муддат бу ғам-қайғуни бошидан ўтказгандан кейин Ислому лашкарлари билан Шом мамлакати томон йўл олиб, жиҳодга ҳисса қўшди.

Пайғамбар (а.с.) вафотларидан сўнг Хазрати Билол (р.а.) икки марта азон айтди. **Биринчиси:** Хазрати Умар (р.а.) халифалик даврида Байтул Муқаддасга келганида Билолдан азон айтишни илтимос қилди. Хазрати Билол узр айтиб туриб олди. Лекин Умар (р.а.) кўп илтимос қилганидан сўнг, ноилоҳ азон айтишга турди. Билолнинг (р.а.) айтган азонидан еру кўк ларзага келди. Унинг оғзидан чиққан ҳар бир сўз эшитувчилар қалбини гўёки сеҳрлаб қўйгандай, беҳуш ҳолатга келтирар эди. Ўз вақтида Пайғамбар (а.с.) ҳузурларида бўлган саҳобалар у азонни эшитиб, худди аввалги даврга қайтиб келгандай ҳис қилишди ўзларини. Пайғамбардан (а.с.) айрилганлик ҳис-туйғуси қайтадан тикланиб, йиғламаган одам қолмади. Хазрати Умар (р.а.) тоғдек иродали одам эди, у киши ҳам беихтиёр ўзини йўқотиб қўйди.



Иккинчиси: Хазрати Билол (р.а.) Пайғамбарнинг (а.с.) қабрларини зиёрат қилиш учун Шомдан Мадинага келганида кишилар

ундан Пайғамбар (а.с.) масжидларида азон айтиб беришни илтимос қилишди. Хазрати Билол рад этди. Пайғамбарнинг (с.а.в.) сеvimли набиралари бўлмиш Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн илтимос қилишганида, уларнинг илтимосини рад этишга журъат етолмасдан, яна азон айтди. Масжиди набавийда Хазрати Билолнинг (р.а.) овози жаранглаганида, Мадинанинг мусалффо осмонларида қайғу-алам учкунлари кенг ёйилиб кетди. Овозининг таъсир кучи шунчалик юқори эдики, эшитган киши беихтиёр масжид томон йўл оларди. Мадинага пайғамбарлик замонаси қайтиб келгандай туюларди.

Хазрати Билолнинг (р.а.) ҳаёти ниҳоятда муборақ эди, ҳар бир лаҳзаси Аллоҳ ва расулининг (с.а.в.) муҳаббати ва итоатида кечди ҳамда дини Исломининг ривожини учун сарфланди. Бундай бир ихлос ва жонқуярлик уни шундай улуғ мақомга етказдики, у мақомга дунёнинг манаман деган подшолари ҳам етолмаган, етолмайди ҳам.

Хазрати Билол буюк бир мужда билан шарафланган зотдир. Пайғамбар (а.с.) Меърожга чиққанларида жаннатда унинг қадам товушини эшитганлар. Сўнгра ундан: “Эй Билол, сен қандай амал қилсанки, қадамнинг товушини мен жаннатда эшитдим”, деб сўраганларида, Билол (р.а.): “Мен таҳоратсиз юрмайман, таҳорат олган захотим дарҳол икки ракат намоз ўқиб оламан”, деб жавоб берган.

Абдухалил ОБИДЖОН таржимаси

ЎЛМАС ҲУШИЛАР

Ҳар ким қаноат қилса, ҳаққа муҳтож бўлмас, кимки нафс хоҳишидан голиб ва озод бўлса туганмас давлатга етар.

Шайх Ҳасан Басрий

Баданинг учун дунёни, кўнглинг учун охиратни лозим тут. Дунё танни семиртиради, охират фикри кўнглини ўстиради.

Кимки намозни шикаста дил ва ожизлик билан адо қилмаса, ибодати дуруст бўлмайди.

Одамлар орасида беш азиз ва улуғ тоифа борки, уларни иззат қилмоқ дунё аҳлига вожибдир: аввал — амаллик олим, иккинчи — парҳезкор сўфий, учинчи — тавозелик бой, тўртинчи — йўқчиликка сабр қилиб, шукр айтгувчи камбағал, бешинчи — суннатга амал этадиган саййид.

Суфён Саврий

Илмга амал этишни ўзингга одат қил; агар олим илмини амалиётга татбиқ этмаса, у руҳсиз баданга ўхшайди.

Имоми Аъзам

“Дариғо, фалон киши жуда кўп мол жамлади ва ташлаб кетди, мен мол тўпламадим”, демагил, балки “Дариғо, фалон киши тинимсиз тоат-ибодат қилиб дунёдан ўтди, мен эса унча тоат-ибодат қила олмадим”, дегил.

Имом Шофеъий

Зухд уч турли бўлади: бири — ҳаромни тарк қилмоқ, бу авомнинг зухди; иккинчи — ҳалол нарсдан заруратини

ортиғини ташламоқ, бу хосларнинг тақвосидир; учинчиси — худодан бандани гофил қиладиган ҳар бир нарсдан воз кечмоқ — бу орифларнинг зухдидир.

Аҳмад Ҳанбал

Одамни икки иш ҳалок қилади; бири — халқ орасида иззатли бўлишга интилмоқ, иккинчиси — камбағалликдан қўрқмоқ. Ҳар кишининг кўнгли шикаста бўлса, шайтон унинг ёнига яқин йўламайди.

Сухайл ибн Абдуллоҳ

Киши тўрт иш билан Исломдан чиқади: бири — билганича амал қилмаса; иккинчиси — билмаганига амал этса; учинчиси — билмаганини изламаса; тўртинчиси — билиш ва ўрганишга интилган одамларга ҳалақит берса, яъни, ўзи билмайди, ўзгани билгани қўймайди.

Абу Муҳаммад Фазл

Кимки ўзини паст олиб, камтар тутса, Худои таоло унинг қадрини балоғд ва азиз қилади.

Абул Ҳасан Бушнакий

Оқиллар билан ҳамсуҳбат бўлсанг, уларга тобе бўл; зоҳидлар билан суҳбатлашсанг хушхулқ ва хизматда бўл; жоҳиллар билан ҳамсуҳбат бўлиб қолсанг сабри бўл.

Абу Бақр Варроқ Термизий

“Тазкиратул авлиёи туркий” асаридан

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ ва **Икромиддин ОСТОНОҚУЛОВ** тўплади.

Минг ойдан яхши кеча

Айтишларича, баҳорда, найсон ойида «абри найсон» отлик булут бўлармиш. Ўша булутдан ҳар йили бир марта, маълум вақтда қисқагина ёмғир ёгаркан. Шу ёмғирнинг суви бошқа ёмғирларнинг сувидан ўзгача, баракотга бой бўларкан.

Денгизу океанларнинг тубида сон-саноксиз чиганоқлар йил бўйи ўша ёмғирни кутиб туришаркан. Ёмғир ёққанида Аллоҳнинг қудрати билан томчилар денгизнинг шўр сувларини кесиб ўтиб, бошқа нарса аралашмай, соф холда ҳалиги чиганоқларга тушар экан. Қайси чиганоқнинг оғзи очик бўлса, найсон ёмғирининг бир томчисини тутиб, ўша заҳоти юмиб оларкан. Бир қанча вақтдан сўнг шу арзимас бир томчи сув дурга айланаркан. Неча-неча ғаввослар ўз жонларини хавф остига қўйиб, дурни денгиз тубидан олиб чиқишади. Одамлар ҳам катта пуллар эвазига сотиб олишади. Илгари жойи бутун ер юзидаги махлуклардан ҳам пастда бўлган бир томчи сув энди азиз ва эҳтиётлик манзилларни макон тутди.

Мусулмонларнинг ҳам ўша чиганоқлар каби, йилда бир марта бўладиган «найсон ойи» — Рамазони шарифи, ўз «абри найсон» — Лайлатул кадр кечаси борки, Аллоҳ таоло бу кечага «минг ойдан яхши», деб баҳо берган. Ва бу кечанинг ганиматлигини билиб, ихлос ила ибодат қилиб ўтказган кишиларнинг қалбларида дур-ғавхарлар унгай, охиратда ўша дур мисоли, Аллоҳнинг юксак мартабаларига эришгай, иншааллоҳ!

Ёқуб УМАР



Ғусл қандай қилинади?

Савол.

"Ҳидоят", сендан бир нарсани сўрамоқчи эдим. Ғуслни позим қиладиган ҳолатларни биламан, аммо ғусл ҳисобга ўттиши учун қайси тартибда олниншини яхши билмайман. Саҳифаларингда шу ҳақда маълумот берсанг.

**Тоштемир Содиқов,
Самарқанд вилояти,
Булунғур тумани.**

Жавоб.

Ислом том маънода поклик динидир. У инсоннинг ботини ва зоҳири поклигига бирдай эътибор беради. Покликни имоннинг тенг ярми деб қайд этиб, ифлосликлардан тозаланишни барча мўминларга фарз қилган. Иғво, ҳасад, тухмат, ёлғончилик, фитна, ғийбат каби ички (ботиний) ифлосликлардан покланишнинг шартли тавбаи насух (гуноҳга асло қайтмасликка жазм) бўлса, ташқи (зоҳирий) ифлосликлардан покланиш ғусл (чўмилиш) билан

бўлади. Узрли ҳолларда тайаммум ҳам ғусл ўрнига ўтади.

Беш ҳолдан сўнг:

1) жинсий алоқа; 2) шаҳват билан маний (уруғ) чиқиши; 3) эҳтилом (уйқуда булғаниш); 4) ҳайз ва 5) нифосдан сўнг ғусл қилиш фарздир.

Жума, арафа ҳамда икки ҳайит учун, шунингдек, ҳаж ё умрага эҳром боғлаш олдидан ғусл қилиш суннатдир ("Мажмаул фатово").

Ғусл комил бўлиши учун унинг фарз ва суннатларини билиш муҳимдир. Ғуслнинг уч

фарзи бор: 1) оғизни гарғара қилиб ювиш; 2) бурунни димоққача (димоқ ачишгулик даражада) чайиш ва 3) бутун баданни қолдирмай ювиш. Аёлларнинг сочи ўрилган бўлса, уни тўла ювишга ҳожат йўқ, соч таглари ҳўлланса, кифоя қилади. Соч ўримларини ҳўллаш ҳам лозим эмас ("Ҳидоя").

Ғусл қилишнинг суннат бўлган тартиби қуйидагича:

1. Қўллар бўғинлари билан ва жинсий аъзо ювилади. Агар баданнинг бирор қисмида нажас бўлса, кетказилади.

2. Намозга таҳорат қилинган каби таҳорат қилинади, аммо оёқлар ювилмайди.

3. Таҳорат қилинган, бош, ўнг ва чап елкалардан, айтилган тартибда уч мартадан сув қуйилиб ювилади.

4. Охирида оёқлар ювилади ("Ҳидоя").

Ювилиши фарз бўлган аъзолардан бирининг бирор жойига сув тегмаса, ўша жой жанобатдан (ифлосликдан) пок бўлмаган ҳисобланади ва ғусл ҳисобига ўтмайди.

Жавобни **Муҳаммад Шариф ЖУМАН** тайёрлади

Ижтимоий-таҳлилий мақолалар кўпайса...

Ассалому алайкум, ҳурматли журнал ходимлари.

"Ҳидоят" журналининг бир-икки сонини ўқиб чиқдим. Менга маъқул. Аммо бир савол туғилди: Йигирма беш милёнли бир мусулмон мамлакатта атиги битта диний журнал камлик қилмасмикан?

"Ҳидоят"нинг мундарижаси билан танишар эканман, ундаги мақола, шеър ва ҳикояларни синчиклаб ўқидим. Назаримда, ижтимоий-таҳлилий мақолаларни кўпайтириш керак. Уларда ҳаётини-воқеъини масалаларни кўтариш лозим. Нима Исломга хосу нима бегона бугунги кун мусулмон киши қандай бўлиши керак, нималарга эътибор бериши, недан огоҳ бўлиши лозим — шу кабиларни билгим келади. Мен кўпроқ "Хуррият" газетасини ўқийман. Унда баъзан дин масалалари ҳам ёритилади. Масалан, бир кишини борборда масиҳий динига даъват қилишгани ва унга қанчадир доллар ваъда беришгани ҳақида бир мақола

чиқди. Шу масала ҳозир жуда долзарб. Шу мавзудаги мақолалар "Ҳидоят"да ҳам босилишини истардим.

Бундан ташқари, "Мусулмонлар тақвим китоби" ҳам менга ёқади. Ундаги ибратли ҳаётини лавҳалар ва ҳикоятлардан таъсирланиб юраман.

Яна бир фикр: "Ҳидоят" журналининг баҳоси ҳақида. Газета дўконларида унинг нархи кўпгина журналларга нисбатан қиммат. Тўғриси, бу нарх шахсан менга унча қимматлик қилмайди, лекин агар мақсад журналининг кўпроқ чиқиши ва сотилиши, мусулмонларнинг билими ва маънавиятини ошириш бўлса, шу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш керак бўлади, назаримда.

Сизларга ҳамиша яхшилик тилаб,

**Аъзам Обидов,
Сирғали тумани.**

Ҳат муаллифи таҳририятга бир мақола ва шеърларини ҳам жўнатган экан, иншааллоҳ, келгуси сонларда фойдаланармиз. — Таҳририят.

Довуд ХУНЗИКЕР

АКСЕЛС ташкилоти орқали Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар олиб бораётган Вашингтон университети аспиранти



АМРИҚОДА ХАТМИ ҚУРЪОН

Илк муборак Рамазон ойини мен 1988 йил баҳорида Истанбул шаҳрида ўтказганман. Ундан тахминан саккиз-тўққиз ой бурун Амриқода Исломи динини қабул қилган эдим. Шу боис ҳам ўша Рамазон рўзасини тутиш мен учун қатта аҳамиятга эга эди. Ўзим Рамазон арафасида Туркияга келганман, туркларнинг ҳаёт тарзини, урф-одатларини, хусусан диний дунёкарашларини унча-мунча ўрганиб олганман, аммо бу Рамазон ойида яна кўп янги нарсаларни кўраман деб умид қилаётган ва ҳаяжон билан муқаддас рўза ойини кутаётган эдим. Бошқа мусулмонларга одат бўлиб қолган нарсалар менга, албатта, японги воқеалар эди. Сахарликка туриб, рўза тутиш, оғиз очиш ва таровех намозини ўқиш каби амалларни чин дилдан бажардим. Ҳар бир мусулмонга яхши таниш бўлган бу ибодатлардан ташқари, туркларга хос баъзи одатлар билан ҳам танишдим. Жумладан, улар фақатгина Рамазон ойида “Рамазон пидаси” деган нон пиширишади. Маълумки, ҳар ким кун бўйи рўза тутганидан сўнг оғиз очганида ейдиган неъматини жаннатдаги Туба дарахтининг мевасига ўхшатгиси келади. Туркларнинг нонлари ширин, аммо Рамазон пидасининг лаззати ўзгача, ажойибдир.

Рамазонни Истанбулда ўтказишимнинг ҳам гашти бор. Бу шаҳарда юз йиллар давомида не-не олиму фузало, халифаю

подшоҳ Аллоҳ таоло ва Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) йўлида хизмат қилишган. Бу муборак шаҳарда Рамазон кечалари байрам тусини олади, шомдан кейин эру хотин болаларини олиб, кўчаларда сайр қилиб, музқаймоқлар еб юришганини кўрасиз. Кўчада кўни-қўшнилар бир-бирлари билан учрашиб, суҳбатлашиб, биродарликларини мустаҳкамлашади. Яъни, Истанбулда Рамазонда очик ҳавода қандайдир бир тароват ва, айни пайтда, шодлик сезилади. Ҳар Рамазон ойи мен туркларнинг ўша ширин нонини ва Истанбулнинг муқаддас ҳавосини эслаб тураман.

Ўша биринчи Рамазон рўзасидан кейин деярли ҳар Рамазон ойини она юртим Амриқода ўтказдим. Рамазонда бизнинг дийрда ҳам ўзимизга хос одатларимиз бор. Амриқодаги мусулмон жамоати ҳар хил мамлакатлардан келган одамлардан иборат Масжидларимизда мусулмон дунёси қавмларининг ранг-баранглигини кўриш мумкин. Хусусан, Рамазон ойида мусулмонларнинг маданий бойлиги намён бўлади. Амриқо мусулмонлари ҳозир олти милёндан ошган бўлса ҳам, икки юз олтимиш милён кишилиқ аҳолига нисбатан жуда оздир.

Мен Пенсилвания штатида жойлашган бир қишлоқда яшайман. Бизга яқин Алленовн шаҳридаги масжидда Рамазон ойида ҳар жума, шанба, якшанба кунлари оилавий ифторликлар

қиламиз. Баъзан амриқоликларнинг умумий одати бўйича вазибаларни бўлишиб, ҳар бир одам бир-икки идиш овқат олиб келади. Шунда ҳар хил овқатлардан тотиб кўриш мумкин бўлади. Баъзан эса масжидда бир оила ёки бир гуруҳ оилалар жамоатнинг ҳаммасига ифторлик беради. Масалан, бир куни покистонликлар ифтор берса, кейинги кун индонезияликлар, мисрликлар, турклар ёки фаластинликлар меҳмон қилади. Шу тариқа ҳар миллат ўз урф-одатига кўра тайёрланган овқатларини таништириш имкониятига эга бўлади. Оқибатда ҳар хил миллату ирқларга мансуб мусулмонлар орасида меҳр-оқибат кучаяди.

Айни пайтда, мусулмон ёш болалар бир-бири билан ўйнашиб, бошқа мусулмон ёшлар билан мулоқотда бўлади. Амриқода озчилик бўлганимиз учун мусулмон ёшларнинг шундай мулоқотларда бўлиб туриши жуда муҳимдир. Чунки ҳар куни ёшларимиз мактабда вайримусулмон болалар билан ўқишади. Улар чин мўминлигини йўқотмаслиги, Амриқонинг жозибали ҳаётига фарқ бўлиб кетмаслиги учун бошқа мусулмон ёшлар билан тез-тез кўришиб, ибодат қилишиб, имонлашишлари зарурдир.

Кўп миллатли жамоатимизда биродарлик туйғуларни кучайтирадиган яна бир одагимиз – таровех намозини ўқитишга хориждан имом чақиришимиздир.



Одатда, Амриқонинг кўп маҳаллий масжидларида доимий имомлар йўқ. Жамоатдан соғлом этиқоқду илмга эга бўлган айрим ишончли кишилар ваъз тайёрлашади, жума намозини ўқиб беришади. Лекин таровех намозида Куръони Каримни хатм қилиш учун хофизлар керак. Шу боис Мисрдан, Суриядан, хатто Бангладеш ёки бошқа узок ўлкадан қори чақирилади. Унинг вазифаси намоз ўқиб беришдан ташқари, ифтордан кейинги оилавий йиғилишларда ҳам маърузалар қилади ва жамоатда йил бўйи туғилган айрим саволларга жавоб беради.

Амриқо масжидларидаги жамоат турфадир. Аҳли сунна вал жамоанинг тўрт ҳақ мазҳабига, яъни, ханафий, шофеъий, моликий ва ханбалий мазҳабларига мансуб мусулмонлар ўзаро аҳлиноқ яшашади. Масалан, Аллентовн шаҳрида шиъа мусулмонларининг алоҳида бир мас-

келишмовчиликларни камайтиришга ва биродарликни кучайтиришга катта таъсир кўрсатади.

Университетда Рамазон ойини янада ўзгача кечар эди. Масжидларда уйланмаган ёш талабалар учун катта ифторлик тайёрлаб бериш одати бор. Амриқонинг деярли ҳамма университетида “Мусулмон талабалар уюшмаси” деган талабалар гуруҳлари тузилган. Университетлар мусулмон талабаларга йиғилиб ибодат қилишлари учун махсус хона ажратган. Бошқа дин вакиллари учун ҳам шундай имконият бор. Рамазон ойида дарсларимиздан чиқиб, университет ажратган хонада хурмо ва сув билан оғиз очиб, шом намозини ўқиймиз. Баъзан мусулмон бўлмаган курсдошларимизни масжидга ёки кичкина хонамизга оғиз очишга таклиф қиламиз.

харомдан, хусусан, одобсизлик, ғийбат ва бошқа ёмон гаплардан узок туришимиз ғайримусулмонларга яхши ибратдир. Зотан, биз ҳар доим шундай яхши ахлоқли бўлишимиз керак.

Ўтган йили Ўзбекистонда биринчи марта Рамазон рўзамни ўтказдим. Албатта, Ўзбекистонда ҳам янги одатлар ва шароитларга дуч келдим. Ёш болалар эшигимга келиб Рамазон айтишлари мени хайратга солди. Отанам янги йилни нишонлаш учун Амриқога қайтиб боришимни хоҳлашган эди, лекин мен Рамазон ойини ўзбек мусулмон биродарларим ўтказдим. Бу йил яна оиламни ва она юртимни соғиниб турган бўлсам ҳам, шу ерда рўза тутиб, катта жамоатларда таровех намозларини ўқишни ниятлаганман. Ахир, ким ҳам бундай бир муборак, шарафли ойда Имом Бухорий, Имом Моғуридий, Имом Марғиноний ва шайх Баҳовуддин



АҚШ Пенсилвания штати Аллентовн шаҳри жомеъ масжиди

жиди бор, аммо улар ҳам баъзан бизнинг масжидимизга меҳмон бўлиб келишади. Шундай қилиб, хориж мамлакатларидан чақирилган имомларимиз баъзан ўзи мансуб мазҳабда эмас, балки жамоатнинг кўпчилиги мансуб мазҳабга кўра таровех намозини ўқийди. Яъни, Бангладешдан келган имом ханафий бўлса ҳам, агар жамоат шофеъий бўлса, шу мазҳабга мувофиқ саккиз ракатлик таровех намозини ўқийди. Ёки мисрлик имом ўзи шофеъий бўлса ҳам, ханафийга мувофиқ йигирма ракат ўқийди. Имомларнинг бу амаллари мусулмонлар орасидаги

Рамазон ойи баҳонасида университетга Исломи дини тўғрисида маъруза қилишга олимлар чақирилар ва ғайримусулмонларга динимиз асосларини тушунтиришга имкон туғилар эди.

Исломи таништириш Амриқодаги мусулмонларнинг энг асосий вазифасидир, чунки, афсус, Исломи яхши билмаган-танимаган кўп амриқоликлар ҳамма соқолли мусулмонни террорист деб нотўғри фикрлар билан юришади. Шунинг учун биз уларга Исломи тинчлик ва инсонпарварлик дини эканини англатишга мажбурмиз. Рамазон ойида таквонизни кучайтириб,

Нақшбанд каби буюк алломалар яшаган юртдан ажралишни хоҳлайди!

Гарчи Туркия, Амриқо ва Ўзбекистон мусулмонларининг урф-одатлари ва шароитлари турлича бўлса ҳам, асосий мақсадимиз бир – рўзамиз, намозимиз ҳамда садақамиз билан нафсимизни тарбиялаб, Аллох таолонинг ризосини қозониш ва мусулмон биродарларимиз орасида меҳр-муҳаббатни кучайтиришдир.

Эскартиш. Ушбу мақолани муаллиф соф ўзбек тилида, таҳрирга қарийб ҳоҳатсиз ҳолда келтирди.

Талоқ қандай сўзлар билан айтилади?

1. **Сарих** (очиқ, аниқ ифода): "Сени қўйдим", "Бошинг бўш", "Талоқ қилдим" каби сўзлардир. Бу сўзлар айтилиши билан ҳукм ўринлайди. Талоқ воқеъ бўлади. Маъносини, ҳукмини хоҳ тушуниб айтсин, хоҳ тушунмасдан ё билмасдан айтсин — фарқи йўқ (el-Hidaye. 230. Fethu'l Kadir. 3. 99).

2. **Киноя** (очиқ бўлмаган сўз): ҳам ажраш, ҳам бошқа маъно эҳтимоли бўлган сўзлар; "тур", "чиқ", "бор", "кет", "бошингни бекит", "юзингни ёп", "ҳаромсан", "мен сенинг эрингмасман", "ўзингга эр топ", "изла", "сендан айрилдим", "идда кут" каби сўзлар.

Эркак бу сўзларни ажраш ниятида ёки ажрашмоқни музокара этароқ ёхуд аччиқ устида, қаҳр-ғазаб ҳолатида айтса, бу сўзлар ажрашга оид экани аниқлашган ва талоқ пайдо бўлган бўлади (el-Hidaye: 1. 240. Fethu'l Kadir. 3. 100).

Уч талоқ масаласи

Бир дафъада эр хотинига уч талоқ билан сени қўйдим деса, бир талоқ эмас, уч талоқ бўлур.

Саҳобаларга, тобеинларга ва тўрт мазҳабга кўра, бир сўз билан аёл уч талоқ қўйилса, уч талоқ ҳаққи бирдан қўлланган бўлади. Хотинга: "Сени уч талоқ билан қўйдим"; "Сенга учдан тўққизга қадар талоқ бердим"; "Минг талоқ бердим", демоққа ўхшаш.

Ажрашишга алоқадор баъзи бир муҳим масалалар

1. **Қўрқитиб ёки ҳазил-мазах билан ажрашиши ҳам ҳақиқийми?**

Эр қўрқитиб ёки ҳазиллашиб хотинига: "Сени қўйдим, ажрашдик" ёки "Сенинг бошинг бўш", деса, хотини ажраган бўлади. (Mezahib-i-Erbaa: Бошлангиши ўтган сонларда.

ХОС ФИҚҲИЙ МАСАЛАЛАР

Муҳтарам журналхон! Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислон Каримов буюк ватандошимиз, беназир фақиҳ аллома Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг таваллуд тантаналари чоғи: "Марғиноний ҳазратларининг илмий меросини асл манбадан — арабча нусхаларидан бугунги ўзбек тилимизга таржималар қилиб ўрганишимиз, керак бўлса, мактабларда, олий ўқув юрларида ўқитишимиз лозим", деди. Маълумки, хоссатан "ал-Ҳидоя" асари ҳанафий мазҳабнинг фиқҳий масалаларига бағишлангандир. Севимли журналингиз "Ҳидоят" ҳам худди давлатимиз бошлигининг мазкур қимматли маслаҳатига олдиндан риоя этгандай, илк сонларидан эътиборан "Хос фиқҳий масалалар" туркумида аёлларга хос бир қанча масалаларда ҳанафий мазҳабнинг фатволарини эълон қилиб келмоқда. Аждодларимиз яратган бой илмий меросни ўрганишга иштиёқманд барча илм аҳлига, талабаларга ва тадқиқотчиларга бу ишнинг нафи тегади, деб ўйлаймиз.

Таҳририят

4. 280; Fethu'l Kadir. 3. 38). Зеро, ажрашнинг ҳазили йўқ. Расулulloҳ (с.а.в.): "Уч нарсанинг жиддийи ҳам, ҳазили ҳам жиддийдир: талоқ, никоҳ ва рижъат (ажрашган хотинига қайтмоқ)дир", деганлар (Ebu Davud, Talak: 9).

2. **Маст талоқ берса, ҳукми қандай?**

Маст қилувчи, яъни, ҳаром, Ислон тақиқдаган моддаларни ичиб, хотинига: "Сени қўйдим", деса, ҳанафий ва шофеъий мазҳабларига кўра, хотин ажрашган бўлади (Damad: 1. 585).

3. **Мактуб орқали талоқ берса бўладими?**

Эр ёнида бўлмаган хотинига мактуб битиб, имзо чекиб ё муҳрини қўйиб, ажрашганини ёзиб жўнатса, хотиннинг боши бўш бўлади. Агар ўзи ёзолмасдан бировга ёздирса ва бу мактубнинг унга оидлиги қатъий билинса, хотиннинг боши бўш бўлади (Fetava-i Hindiye: 1. 379).

4. **Қалбдан ажраш дегани нима?**

Тилда айтмасдан фақат дил билан ният қилиб, ажраб бўлмайди. Талоқ рукни бўлган

хоҳиш баёни очиқ ёки унча очиқ бўлмаган сўзлар (киноя) билан айтилмагунча ёки ёзилмагунча ажраш (талоқ) ҳақиқий бўлмайди. (Istiloḥoti Fiqhiya qomusi : 2. 184). Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қиладилар: "Аллоҳ умматимнинг қалбидан кечирган нарсалари амалга ошмагунча ёки сўзламагунча масъул тутмас (жавобгар қилмас)" (Ibni Mace: 1. 658).

5. **Шартли ажраш ҳам бўладими?**

Бир киши хотинидан ажрашни бир нарсага боғласа, масалан, "Кўчага чиқсанг, талоқсан (қўйдим)", деса, ажраш кўчага чиқишига боғланмоқда. Хотин кўчага чиқса, бир талоқ бўлади.

Талоқдан эрнинг нияти хоҳ қўрқитиш бўлсин, хоҳ ҳазил бўлсин, бир талоқ воқеъ бўлади (Damad: 1. 418).

Идда нима ва унинг муддати қанча?

Идда "санамок" деганидир. Фиқҳда аёлнинг эрдан ажраб, бошқасига тегиш учун кутиши керак бўлган вақтга айтилади.



Талоқ (никоҳ бузиш ва аж-раш) чоғида ҳайз кўрган аёл уч ҳайз муддат кутади. Куръонда: "Талоқ қилинган аёллар ўзларини уч ҳайз муддатида кузатадилар", дейилган (Бақара, 228).

Кексалиги ёки ёши кичиклиги туфайли ҳайз кўрмайдиган аёлнинг илдаси уч ойдир. Ҳомиладор аёлнинг илдаси бола туғилиши билан тугайди. Куръонда: "Аёлларингиз орасидаги ҳайз кўришдан умид узганлари, агар шубҳалансангизлар, бас, уларнинг илдалари уч ойдир, яна (ҳануз) ҳайз кўрмаган (аёл)ларнинг (илдалари ҳам уч ойдир)", деб марҳамат қилинади (Талоқ, 4). Шу оят давомида: "Ҳомиладор (аёл)ларнинг (илда) муддатлари ҳомилаларини қўйишлари (кўз ёришлари)дир", дейилади.

Эри ўлиб, ҳомиласи бўлмаган аёлнинг илдаси тўрт ойу ўн кундир. Куръони Каримда марҳамат қилинади: "Сизлардан вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар, улар тўрт ой ўн кун ўзларига қараб (илда сақлаб) турадилар" (Бақара, 234).

Боин талоқнинг ҳукмлари қандай?

Боин талоқ билан ажрашган хотин эридан алоҳида туради. Учинчи киши бўлмаган жойда иккиси бирга қололмайди. Чунки ўрталарида эр-хотинлик тугаган. Хотинига бир ёки икки талоқ берган бўлса, никоҳни янгиламай қайтолмайди. Илдаси битгунча нафақасини бериб, алоҳида яшайди. Ражъий талоқда булар шарт эмас, хотинига қайтаётганда гувоҳ тутиши мустақабдир (Istilahat-i Fikhiyye Kamusu: 2. 210).

(Давоми келгуси сонда)

«Buuyuk kadin ilmihali»
(Аёллар фикҳи) китобидан
Йўлдош ЭШБЕК
таржимаси

ҲАЗРАТИ АЛИ (р. а.) ДЕЙДИЛАР:

❖ Мухтожга ёрдам беришни эртага қолдирманг! Зеро, сизга ё унга эртага нима бўлишини билмайсиз.

❖ Энг эзгу эҳсон ҳожат-мандга берилганидир.

❖ Кимнинг сизга ҳожати тушса, унга кўмак бериш сизга вожибдир.

❖ Ўзгаларга озор беришдан сақланиш яхшилик аломатларидандир.

❖ Бойлик эҳсон қилинса, иззат, тўплаб беркитилса, хорлик келтиради.

❖ Инсонларга марҳаматли бўлинг, қадрингиз ошади!

❖ Инсоф олижаноблик белгисидир.

❖ Адолат охирада нажот, дунёда саодат бошидир.

❖ Оқиллар суҳбати ҳурмат келтиради.

❖ Ёрданини ўзгалардан дариф тутмаган инсон зикри кенг ёйилади.

❖ Вафо олижанобликдир.

❖ Кечириш энг яхши ғалабадир.

❖ Сабр зафар гаровидир.

❖ Ўз аҳлингизни қадрланг! Зеро, улар учар қанотингиз, ўрнашган пойдеворингиз ва тутар кўлингиздир.

❖ – Инсонлар тўғрисида яхши фикрда бўлган инсон улар муҳаббатига эришади.

❖ – Яхшилик муҳаббат бошидир.

❖ Сукут сақланг, унинг энг оз фойдаси омонликдир.К

❖ Ифғат ҳеч нарсага эҳтиёж қолдирмайди.

❖ Қаноат нафс салоҳига етказувчи буюк мадақдордир.

❖ Ғариб – дўсти йўқ инсондир.

Эй нафс, билгилки, кеча ва кундуз ҳар бир инсоннинг уловидир. У истасин-истамасин, олиб кетади, хоҳласин-хоҳламасин, юриб кетади. Шундай экан, бундан ибрат ол ва насихатни қабул қил. Насихатни қабул қилмас кимса ўз танини дўзахга берур.

Сен шундай ҳолдасанки, танингни на дўзахга беришни ва на насихат қабул қилишни истайсан. Билсанг, бунга қалбнинг қасовати боисдир. Бунинг даъвосини истасанг, таҳажжуд ва ўзга намозларни давомли ўқи. Бу билан ҳолинг ўзгармаса, рўза тугут. Бунда ҳам нафъ сезма-

ЭЙ НАФС...

санг, мулоқотларингни камайтир ва кам сўзла. Яна таъсир сезмасанг, етимларни йўқла ва уларга мадад бер.

Айтилганларни бажарсанг-да, ҳолинг барибир ўзгармаса, билгилки, гуноҳлар бутун вужудингни – зоҳиру ботинингни қоплабди. Энди ўзингни дўзах ўтига ҳозирла! Насихат қабул қилмас экансан, ўзингдан умидингни уз! Билсанг, ноумидлик улкан гуноҳлардан биридир. Аллоҳ таолодан ноумидлик ҳолидан паноҳ тилайман.

Балки энди сени бу ноумидлик мусибати ғами қоплаб, кўзингдан ўзингга тараҳҳум ёши томгандир. Агар томган бўлса, бу қатра ёш раҳмати плоҳий дарёсидан томчидир. Ва ундан умидингни узма.

КЎРИНМАС ИБОДАТНИНГ КЎРИНАРЛИ ФОЙДАЛАРИ

Биз мусулмонлар Рамазони шариф оии рўза-сига нега мунча интиқ талпинамиз? Унинг фироқидан маҳзун, қудумидан масрурмиз? Нега?.. Чунки у бизга ҳақиқатни, Ҳақни ўргатади, қувват ва ҳуррият бахш этади. Рўза рўзадорда Ҳаққа имонни мустаҳкамлаб, собит қилади, ҳаққа даъват этиб, у билан хулқланишни ўргатади.

Ҳа, Ҳақ Ислом дининг асосидир. Жаноби Тангримининг исмларидан бири ҳам Ҳақдир. У зотнинг каломи – Ҳақдир, Ҳақ жаноби Тангридир. Барча Пайғамбарларнинг даъватлари ҳам Ҳаққадир.

Ислом динининг олий ғояси **ҳақ** экан, мусулмон учун лозим бўлган биринчи **ҳақ** – бизни тўқис ва мукамал яратган Зотнинг бандаси эканлигини ёдда тутишдир. Бу ҳақиқатни инкор этиш барча бузғунчиликлар бошидир. Золимлар тугёни, қароқчилар киргини, бандалик унутилгандагина жунбушга келади.

Рўза рўзадорни бир ожиз банд эканини унутмасликка ўргатади. Ким бўлса-да, еб-ичмаса нотавон бўлишидан, барча қатори озуқа, кийим ва бошланага муҳтожлигидан огоҳ қилади. Рўзадор **“Илоҳим, сен учун рўза тутдим, Сен берган ризқ билан ифтор қилмоқдаман”**, дея дуо қилиб, тановулни бошлар экан, аввало, мана шу Ҳақиқатга иқдор бўлади.

Танҳолик Тангрига хос. Инсон жамиятсиз яшай олмайди. Бу гап – **ҳақдир**. Хар бир шахс буни ёдида тутса, жамият севинчига севинса, қайғусига шерик бўлса, оғирини енгил қилишга интилса, жамият фаровон бўлиш ҳақ. Жамиятдан бўлаклик ҳисси бор кимсада зулм уйғонади, мулкдордан саховат қўтарилади, қардошлик унутилади. Рўза бу иллатларнинг малҳамидир. У рўзадорга, жамиятнинг бир зарраси эканини эслатиб, улар билан бирга, ёнма-ён, бирга тўқ бўлиб, бирга оч бўлиши ва ҳайитни биргаликда нишонлашда миллат ҳолидан воқиф этади, муҳтож ва заифларга меҳрибончилик қилиш, мадад беришга даъват қилади.

Шухрат, мақтов илинжида эмас, балки виждони Тангри розилиги учун меҳнат қилаётган хар бир шахсга, у қайси соҳада бўлмасин, Тангри

омад беради. Бу сифатли инсонларнинг қўлиги-га қараб жамият ва миллатнинг саодат қучиши **ҳақдир**. Айнан рўза рўзадорда шу олижаноб хислатни шакллантиради.

Рўза кўринмас ибодат. У Тангри ва инсон ўртасидаги сирдир. Унда кўз-кўз қилиш ва товлама йўқки, мақтов ва олқиш исталса.

Мўмин рўза тутар экан, ростгўйлик ва вафо хислати бўлиб қолишини, риё ва тамадан пок-ланишни умид этади. Бу ниятидан Аллоҳнинг воқиф эканлиги унга кифоя қилади.

Инсоннинг фақат жисмдан иборат эмаслиги, балки унинг фаришталар мақомидан буюклигига боис бўлган рух ва қалби ҳам борлиги **ҳақ**. Бу ҳақиқатни унутиб, танҳо жисм талаблари учун яшаганда инсон ҳайвондан ҳам ёвуз ва тубан бўлиши ҳам **ҳақ**.

Рўзада жисмнинг тубанликка доир талаблари чекланади, рух ва қалбга озук бериш имкони ортади. Рўзада мўмин кун бўйи ибодатда, демакки, Тангрига муножотда бўлади, нафс ва хулқининг ислоҳига киришади.

Рўзадор Аллоҳ таолонинг: **“Эй бандам, мен сени ҳайвон каби хор эмас, балки заминда менинг халифам бўлишинг учун яратган Зотман. Менга юзлан. Фаришталар даражасидан юқори бўласан. Осуда нафсга, ёрқин рухга, нурли қалбга эга бўлиб, дунёда бўла туриб ҳам жаннатда яшагандай яшайсан”**, деган нидосини хис қилади.

Айтилганлар рўзанин рўзадорга тухфа қиладиган баъзи ҳақлари холос. Бу ҳақларни рўзадан таълим олган солих салафларимиз ҳақда собит бўлишда, унга даъват этишда ва у билан хулқланишда Исломнинг мўъжизасига айланган эдилар.

Дарҳақиқат, Ислом биз мусулмонларнинг ҳақ тимсоли ва унинг химоячилари бўлишимизни ис-тайди. Агар **ҳақ** шарият ҳидоятда, **ҳақ** китоби-миз нурида, **ҳақ** Расулумиз (с.а.в.) ортида Рамазоннинг рўзасидан Ҳақ Парвардигоримизга яқинлаштирувчи сабоқ олган бўлсангиз, сиз шубҳасиз, **ҳақдасиз**.

Уста ОЛИМ



Омонуллох МУТАЛ



АБДУЛЛАЖОН АКАНИНГ ХИКОЯСИ

Маккада бизни мўтабар инсон Максум ака уйларига таклиф этдилар. Сафохон тўра, Мўминжон ака, Олимжон ака, Абдуллажон ака каби эътиборли зотлар жам бўлишган экан.

Бизни бошлаб борган Илхомжон ака мехмонлари бир-бирларига таништириб чиқди. Даврада шодонлик... Мехмонлар Ватан тўғрисидаги жимитдек янгиликни ҳам ютоқиб тинглашарди. Мустақилликка эриштиргани учун Аллоҳга ҳамду санолар айтиб, бу ишларнинг бошида турган юртбошимизнинг ҳақларига узундан-узук дуолар қилишарди.

Абдуллажон ака хикоя бошлаб қолдилар:

– Менинг бир ўғлим оиласи билан Нью-Йорк шаҳрида яшайди. Йилига икки марта бир-икки ҳафтага неваларимни кўришга бориб ай-

ланиб келаман. Ўғлим билан келиним менга жони-ни бериб юборади ва иложи бўлса уларникида кўпроқ қолишимни сўрашади. Мен унамайман. Ўғлим у ерда катта одам, доимо иш билан банд. Келиним уйда, рўзгор ишлари билан андармон. Мен ўғлим ишга кетиши билан секин кўчага чиқаман-да, таксига ўтираман ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси жойлашган кўчага бораман. БМТнинг олдида беш марта бир ёққа, олти марта иккинчи ёққа ўтаман. Эртасига, индинига, хулласи калом, Нью-Йоркда неча кун бўлсам, ҳар куни шундай қиламан. Биласизларми, нега бундай қиламан?

Ўтирганлар бир-биримизга қараб елка қисдик.

– Чунки у ерда Ўзбекистон байроғи хилпираб турибди. Барча байроқлар қатори, улар билан ҳамоҳанг хилпираб турибди. Шунинг томошасидан маза қиламан. Ҳатто таксичига ҳам мактаниб қўяман. Ҳов акаси, ана, кўряпсанми, менинг байроғим турибди, дейман. Таксичи кўзини йўлдан узолмай, кўнглим учун “гуд, гуд, вери гуд” деб қўяди.

Абдуллажон ака хикоясини тугатар экан, овози титради. У ёш болага ўхшаб йиғларди.

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАГИ ҒАП

Бундан олти йиллар муқаддам Саудиядан Мухаммад Сиддик оғайним отаси Қори Бобоқул амаки билан Тошкентга келишди. Амаки ўн ёшдалик чоғларида Қаршидан Афғонистонга, у ердан Саудияга ўтиб кетган экаллар. Эртасига уларни шаҳар айлантирдим. Қўлимдан келганча Тошкентнинг тарихи ва ҳозирги куни билан таништирдим. Охири Мустақиллик майдонида кириб келдик. Ёшлари саксонни қоралаб қолган қария ҳар бир нарсани диққат билан қузатар, юзида бахтиёрлик ба-

лқиб турарди. У киши менга ўгирилиб:

– Болам, биласизми, бу ерга қайтиб келишни бобом орзу қиларди, отам ҳам армонда ўтиб кетди, Аллоҳга беадад шукрки, юртни кўриш менга насиб этди. Агар рухсат этсангиз, ётиб ерни ўпсам, - дедилар.

Мен хижолат бўлиб, гир атрофга ўгирилиб қараб, “Қўйинг, ота, нима қиласиз”, дея икки қўллари-дан маҳкам ушладим. Отаҳон йиғлардилар, мени маҳкам қучоқлаб, багирларига босиб йиғлардилар.

– Биласизми, болам, бу кунларни мен етмиш йилдан ортик орзу қилиб, қутганман. Беш вақт намозим устида, бедор ўтган тулларим устида Аллоҳга беадад ҳамду санолар ўқиб, ундан она заминимга етказишини, сўнгра омонатини олишини сўраб келганман. Аллоҳга шукр, энди менинг армоним қолмади.

Мухаммад Сиддик ҳам бир чеккада қўлига дастурмол олиб, шашкатор кўзёшларини артиб бизни қузатиб турарди.

– Лекин, болам, бир нарса менинг дилимни хира қилди. Хафа бўлмасангиз, айтаман... Аллоҳга шукр, Ватан озод, эркингиз ўз қўлингизда. Шунга қарамай, окшомги зиёфатда бир киши: “Советнинг замони яхши эди, битта нон 15 тийин эди, энди-чи олти сўмга чиқиб кетди”, деди. Халқнинг, ўлиқка йиғлаган эссиз кўзим, нодонга сўзлаган эссиз сўзим, деган накли бор. Мен у кишига тушунтирмоқчи бўлдим. Эй биродар, гап фақат кориндами, киши моддапараст бўлмаслиги керак, Аллоҳ хоҳласа, Ўзбекистоннинг келажаги буюк, дедим. Фойдаси бўлмади, қўлини силтаганича чиқиб кетди. Ўғлим, ён атрофдагиларга тушунтиришлар, Истиклолнинг қадрига етишсин. Агар мамлакатнинг ихтиёри ўз қўлида, одамлари ахил ва иноқ бўлса, Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлиб кетади, она заминимиз гуркираб яшнайдди, - деди Бобоқул амаки.

Нихоят, мехмонларнинг сафари қариб, Саудияга отланишди. Аэропортга қузатиб бордим. Учқоққа чиқар олдида Бобоқул амаки икки елкамдан тутиб, пешонамдан ўқдилар ва:

– Болам, сизларни Аллоҳга топширдим, яна кўришмоқликни насиб этсин. Мустақиллик майдонида айтган ўша гапим гап, Ватанни асранглар, - деб йўлга тушдилар.

Охири. Бошлангани ўтган сонда.

Билимингизни синаб кўринг

Азиз мухлислар. Журналимизнинг 5-сонидан бошлаб, Ислом тарихи, ақидаси ва фикҳига оид жами саккизта босқичдан иборат бўлган саволлар туркуми бериб борилмоқда. Ҳар бир босқичда йигирмата савол бор. Ҳолиблар йил охирига тахририятнинг махсус совғаси билан тақдирланади.

Биринчи босқич саволларига Мўйдинжон Маҳмудов (Поп), Муҳаммадали Раҳмонов (Риштон), Солижон Исмоилов (Хўжайли), Салима Каримжон қизи (Тошкент ш.), Юнусали Тоҳиров (Тошкент ш.) каби фаол ўқувчиларимиз жавоб йўллашган. Бироқ ҳаммаларида бир-иккитадан хато бор. Қуйида тўғри жавоблар эълон қилинмоқда.

I. Тавҳид

1. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига дилда иқрор бўлиб, тил билан айтиш имон, Аллоҳнинг ҳукмларига таслим бўлиш Исломдир. 2. Ёлғиз Аллоҳга ибодат қилиб, ундан бошқасига сифинишни инкор қилувчилар ҳанифийлар дейилади. 3. Энг катта махлуқ аршидир. 4. Фаришталар нурдан халқ этилган. 5. Расулудллоҳнинг (с.а.в.) энг катта мўъжизалари Қуръондир.

II. Фикҳ

1. Таҳоратда тўртта фарз бор: юзни, қўлларни тирсаккача, оёқларни тўпиккача ювиш ва бошнинг тўртдан бирига масҳ тортиш. 2. Намознинг шартлари: таҳорат, кийим ва жойнинг пок бўлиши, авратни ёпиш, қибла, вақт, ният. 3.

Намозда қиёмда турганда кўз сажда ўрнига қарайди. 4. Жума ва хайит намозларини ўқиш учун имомдан ташқари энг камида уч киши бўлиши керак. 5. Намоз вожибларидан бирини бехосдан тарк этган, фарзларини кечиктирган киши саждаи саҳв қилади. Вожиб билиб туриб тарк этилса, фарз беихтиёр ё унутиб тарк этилса ҳам, намози бўзилади.

III. Сийрат

1. Фил йилида Каъбатуллоҳни вайрон қилиш учун келган фил соҳиблари Аллоҳ яқсон этди. Ва ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) туғилдилар. 2. Ҳазрати Муҳаммаднинг (с.а.в.) насаблари бориб-бориб Исмоил алайҳиссаломга тақалади. 3. Оналари вафот этганда Набий (с.а.в.)

олти ёшда эдилар. 4. "Хилфул-фузул" мазлумнинг ҳаққини золимдан олиб бериш ниятида туғилган иттифоқ. "Исломдан кейин ҳам шундай ишга чакирилса, қўшилар эдим", деганлар Набий (с.а.в.) у ҳақда. 5. Абу Толибнинг исми Абдуманноф.

IV. Тарих

1. Мовароуннаҳр ўлкаларига Ислом дини VII асрнинг охириларидан кириб кела бошлади. 2. Имоми Бухорий хижрий 194 йил 13 шавволда Бухорода таваллуд топганлар. 3. Истанбул Фотиҳ Муҳаммад томонидан милодий 1453 йили фатҳ этилган. 4. Фотимийлар сулоласи Африқода ҳукмронлик қилишган. 5. Қуръони Карим япон тилига 1920 йили таржима қилинган.

Учинчи босқич саволлари

I. Ақида

1. Имоннинг руқнлари қайсилар?
2. Бандада нечта фаришта бор?
3. Набий (с.а.в.) умматларидан неча киши жаннатга ҳисоб-китобсиз киришини айтганлар?
4. Арш билан курси бир нарсами?
5. Энг биринчи яратилган нарса.

II. Фикҳ

1. Намознинг руқнлари қайсилар?
2. Таяммуни кетказувчи (бузувчи) нарсалар.
3. Ўзи ўлган ҳайвоннинг терисини ишлатиш жоизми?
4. Узрли киши қандай намоз ўқийди?
5. Қайси вақтларда нафл намоз ўқиш макруҳ?

III. Сийрат

1. Набийнинг (с.а.в.) оталари қачон ва қаерда вафот этган?

2. У зотни (с.а.в.) қайси аёллар эмизган?
3. Пайгамбарлик аввалида Набий (с.а.в.) қай тариқа намоз ўқир эдилар?
4. Ҳабашистонга биринчи ҳижрат қилган саҳобий ким?
5. "Дорун-надва" да Қурайш катталари нимага келишиди?

IV. Тарих

1. Бухорои шариф қачон ва ким томонидан фатҳ этилган?
2. Амир Темур билан Йилдирим Боязид ўртасидаги уруш қачон бўлиб ўтди?
3. Қуддуси шарифнинг иккинчи фотиҳи ким?
4. Тарихда жияни кимлар тўлаган?
5. Кўкюн Мухторияти неча ой яшди?

Эслатма: Жавоблар фақат ёзма шаклда, журналда эълон этилгунга қадар қабул қилинади.



Юнус ЭМРО

ҚОРОҶҒИ КЕЧАЛАРДА ЗОРИ ҚИЛДИМ...

Мадад қил, дардима дармоним, Аллоҳ!
Ки Сенсан жонима жононим, Аллоҳ!

Даво бергил манга, дардим кўп оғир,
Етиштир дардима дармоним, Аллоҳ!

Хама махлуқ санга ёлворадурлар,
Аларнинг зикрида субхоним, Аллоҳ!

Юзум қаросина бокма, илоҳим,
Кечир маъсиятим, тугёним, Аллоҳ!

Қоронғу кечаларда зори қилдим,
Улашди зорима афғоним, Аллоҳ!

Ғариб Юнус, хаддин кўпдир гуноҳинг,
Раҳимсан, Раҳмату Раҳмоним, Аллоҳ!

Сенга айтай биродар, тур эрта намозингга,
Ўлик эмассан агар, тур эрта намозингга.

Азон ўқир муаззин, чақирар Аллоҳ отин,
Йиқма дининг бунёдин, тур эрта намозингга.

Ғар парвоз этса қушлар, тасбиҳ ўқур оғочлар,
Химмат олар қардошлар, тур эрта намозингга.

Намоз ўқи, зикр айла, дуо қилгин, шукр айла,
Ўлимингни фикр айла, тур эрта намозингга.

Хар ким манга ағёр эса,
Ҳақ Тангри ёр бўлсин анга.
Хар қаёнки, борар бўлса,
Боғу баҳор бўлсин анга.

Манга оғу берган кишин
Шаҳду шаккар бўлсин оши.
Хар бир иши осон кечсин,
Ҳақдин мадор бўлсин анга.

Олдимда ким чоҳ қазиса,
Тахтин баланд этсин Тангри.
Ортимдан ким тошлар отса,
Гуллар нисор бўлсин анга.

Шўр толеъим тилаганга
Ширин умр бўлсин насиб.
Менга ўлим тиласа ким,
Умри чинор бўлсин анга.

Ким истаса – хор бўлсам,
Душман қўлида зор бўлсам,
Дўстлари шоду душмани
Дўсту хамкор бўлсин анга.

Мискин Юнуснинг дунёда
Кулгусини эшитмай ҳеч,
Йиғлашини истаса ким,
Кўзим бихор¹ бўлсин анга...

¹ Бихор – баҳрлар, денгизлар,
дарёлар.

Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ
таржимаси

Яқинда бир дўстимни кўрган вилоят шифохонасига бордим. Аҳволи оғирроқ бўлгани учун хонасига кўйишди. Ҳол-аҳвол сўраб, бирпас ўтириб қолдим. Шу пайт ҳамшира кириб, ёндаги каловатда кўзларини юмиб ётган, ҳатто менинг кирганимни ҳам сезмаган отахонни йўқлади. Чол ёшига нисбатан ғайритабиий шаҳд билан бошини кўтарди, бир қўлига тиралиб гавдасини ростлади ҳамда дўстим икковимизга баравар савол назари билан қараб:

– Мени чақиршдими, кимдир кептими? – деди.

– Йўқ, ҳамшира аппаратга тушингизни тайинлаб кетди, деди дўстим сўник овозда.

Отахон бирпас жим қолди. Чуқур сўлиш олди. Кейин ҳўрсиниб:

– Ҳай, аппаратига тушсак-тушибмиз-да, – дея инқиллаб-синқиллаб ўрнидан турди.

У чиқиб кетиши билан дўстим, “Бечора”, деб бошини чайқаб кўйди. Сўнгра отахон билан боғлиқ воқеани гапириб берди.

У киши вилоятнинг чекка бири қишлоғида яшар, жамоа ҳўжалигида қоровул экан. Янги келган кунлари шифохонадагиларга ўзини раисдан тортиб қишлоқ кенгашидагиларгача хурмат қилишини, калҳўзга келган бирорта меҳмон у дамлаган ошни емасдан кетмаганини, нафақада бўлса ҳам бўшагишмаётганини айтиб, роса мақтаниб олган экан. Мана, ётганига йигирма кун бўлибди-ю, кампири ва ёлғиз ўглининг аранг икки марта келиб-кетишганини демаганда қишлоқдан бошқа ҳеч ким уни йўқламабди. “Тиқ” этса, эшикка қарармиш, худди биров ахтариб келаётгандай ҳовлига тушиб айланармиш. Дўстимни йўқлаб ҳали ишхонасидан, ҳали уйдан, ҳали дўстлари ва яқинлари пайдар-пай келишини кўриб, ўзига ўзи тасалли берармиш: “Ҳа, энди қишлоқчилик, бу ерга келиб-кетиш осонми, йўлқира қиммат, ҳозир айни иш қайнаган пайт, бир куни кетади”.

Шундай дер экан-у, яна руҳи тушиб кетаркан. Аҳволида ҳам ўзгариш бўлмаётган экан.

– Айниқса, мени кунига уч-тўрт йўқлаб келишса, хижолатдан қийналиб кетаман, – дейди дўстим. – Нима келса, баҳам кўрамиз, лекин гап овқатда эмас, кўнгилда, оқибатда экан!

Дўстимнинг ҳикояси сабаб бўлдими, анчадан буён миямда чарх уриб юрган фикрлар қоғозга тўкила бошлади. Дарҳақиқат, оқибат ўзи нима? Нега бошқа бировдан кўнгил сўралади? Нега одамлар бор-будидан ажраса ҳам, унча қайғуришмайди-ю, қадрига аза тутишади? Дарз кетган кўнгил шишасини нима билан ямаш мумкин? Саволлар, саволлар...

Инсоният пайдо бўлибдики, ҳамшира бир-бирига муҳтож, бир-бирига ҳамдard, ҳамкор бўлиб яшайди. Ҳамдardлик, кўнгил

Аҳмад МУҲАММАД ТУРСУН

ОҚИБАТ

олиш, оқибат кўрсатиш ҳамма даврларда ҳам қадрланган. Бу соҳада халқимизнинг минг йиллик тарихида, урф-одатларимизда ибрат бўлгулик, ҳавас қилгулик анъаналаримиз кўп. Нега? Чунки динимиз шунга буюрган, шу руҳда тарбияланганмиз.

Беморликда, бошга бирор мусибат тушганда, турли офатларга дуч келинганда яқинлар, танишлар, хеш-ақраболар ҳолидан хабар олиш, кўнгилларини кўтариш – оқибат! Фарзанд кўрганда, тўй-эҳсонларда, бирор хурсандчиликда табриклаш, қувончига шерик бўлиш – оқибат! Ҳатто кўшнингизга бир коса тансиқ таом чиқариш, меҳмонини йўқлаб кўйиш ёки бошига ташвиш тушган ҳамкасбингизга тасалли бериш – оқибат! Ўзи осон ва арзон, аммо қиймати ва аҳамияти дунёларга татигулик, ўрнини ҳеч нарса тўлдиролмай-диган фазилатдир оқибат!

Ҳеч эсимдан чиқмайди, Наманган “Атлас” бирлашмасида Ҳамидхон Тўхтабоев деган бағрикенг, пиру бадавлат бир отахон

бўлардилар (Аллоҳ раҳмат қилсин). Шу киши ойига бир неча марта ёнларида икки-уч ёрдамчилари билан шифохоналарни айланиб, учраган таниш-ноганиш бемордан ҳол-аҳвол сўрардилар, кўнгилларини олардилар. Ҳар бирига иккитадан сўлқилдоқ нон, бир косадан қатиқ улашиб чиқардилар. Баъзилар ҳайрон бўлса, “Беморликда одамнинг кўнгли нозик бўлади, салгина далда ҳам уни тезроқ соғайтиради, қолаверса, беморнинг ҳолидан хабар олишни Пайғамбаримиз (с.а.в.) буюрганлар”, деб кўяр эдилар.

Халқимизнинг энг яхши фазилатлари катта “оға”лар томонидан бадном қилинаётган даврда Ҳамидхон аканинг “қилиқ”лари кимларгадир хуш келмаган эди. Лекин ўшанда Ҳамидхон ака тимсолида фидойилик, ўзгалар учун қайғуриш, кўнгил топиш каби фазилатлар барибир унутилмаслигини англаганлар ҳам кўп бўлган. Кейинчалик, ҳуррият насимлари эсиб, бу ҳақда кўп ҳадислар ривоят қилинганини ҳам англаб етдик. Пайғамбар алайҳиссалом бир ҳадисларида: “Очларни тўйғизингиз, беморлар ҳолини сўрангиз ва асоратга тушиб қолганларни озод айлангиз”, десалар, яна бир ҳадисларида: “Бир мил жойда бўлса ҳам, касални бориб кўринг”, деб буюрганлар. Расулуллоҳ (с.а.в.) умматларини вафот этган ота-оналарининг дўстлари ва қариндошларини йўқлаб, ҳолидан хабар олиб туришга ҳам даъват этганлар.

Одатда, эр бошига иш тушса, халқ бошига юмуш ёки қийинчилик келса, меҳрга оқибатга эҳтиёж кучаяди, унинг аҳамияти ортади. Бугун ҳам оқибатли бўлмоқнинг қадри ошаётгани аниқ. Келинг, шундай кунларда бир-биримизнинг ҳолимиздан кўпроқ хабардор бўлайлик, бир-биримизнинг кўнглимизни кўтариб, оқибат кўрсатайлик, бўлса, модимиз билан, бўлмаса, кучимиз билан, у ҳам бўлмаса, бир оғиз ширин сўзимиз билан ёрдамга ошиқайлик. Ўзбекликнинг, мусулмонликнинг талаби шундай!



Ҳожи Эркин МАЛИК

ХАЙРЛИ ТУШ

«Эшонқишлоқ ҳикоялари» туркумидан

Дадахон ишдан қайтса, укаси шахардан тушиб келибди. Уни кўрдию дарди янгиланди. Хотини Чаманойни эслади.

Биров уни ўлади демасди-я. Бунинг устига, ўзи дўхтир, ана кетди-мана кетди ҳолидаги қанчадан-қанча касалларнинг ҳаётга қайтишига сабабчи бўлган. Дард бошқа, ажал бошқа деганлари шу экан-да. Унча-мунча дардга парво қилмайдиган хотин ётди-қолди. Ва бир куни сўник нигоҳини шифтга қадаб галатироқ гап қилди:

– Мана кўрасиз, адаси, тузалиб кетсам борми...

Дадахон унинг кўнглини кўтармоқчи бўлди:

– Олий тоифадаги дўхтирнинг гапими шу. Касалларингиз шунақа тушкун гап қилишса, нима дердингиз? “Касаллик тарафидамас, биз тарафда бўлинг”, демасмидингиз! – деди кулиб.

– Дўхтирман-да, дардим билан тиллаши-иб ётибман. Лекин дарди курмагур у десам, бу деяпти, бу десам, у деяпти...

Дадахон хўрсинди.

– Барибир сизга умидсизлик ярашмайди, – деди далда бериб. – Хўп... тузалгандан кейин нима қилмоқчисиз?

– Ишдан бўшайман. Ҳа, ишламайман. Оҳ-воҳлардан адойи тамом бўлдим. Уйда ўтираман. Битта она-бола сизга олиб берасиз.

Дадахон кулди.

– Тасаввур қиляпман: ўттиз йиллик бош врач челақни тиззаларининг орасига олиб, сизга соғаяпти...

– Қайтага сизга яхши эмасми: хотинингиз уйда, нонуштага сут-қатиқ, қаймоқ...

Чаманой касалини ҳарҳолда сал унутгандай бўлди. Дадахон шундан хурсанд эди. “Қарорингиз қатъий бўлсин!” дея шартта ўрнидан туриб, она-бола сизга етадиган пулни ажратиб рўмолчага тугди.

– Сиз соғайиб кетинг, бир

эмас, иккита сизга олиб бераман! – деди қатъий ва рўмолчани галадонга ташлаб қўйди.

Ўша кунлари укаси пул сўраб келди. Жуда зарур бўлиб қолибди. Йўқ дея олмади. Қайтага дуруст бўлди, то хотини соғайгунча пулни ишлатиб юбориши ҳам мумкин эди. Аммо, афсуски, Чаманой соғаймади, умри битган экан, оламдан ўтди. Сизга ҳақидаги суҳбат эр-хотиннинг сўнги дилкаш суҳбатлари бўлди...

Укаси бугун ўша пулни олиб келибди. Бири кам дунё деганлари шу-да. Пул келди, бозор тўла она-бола сизга олиб берди... лекин, қани уни соғайган кўл?!

Ука пулни берди-кетди, Дадахон оғир ўйлар оғушида эзилиб қолаверди

Шу пайт кўчадан чопқиллаб қизчаси кириб келди. Ранги бир аҳвол. Кўшнининг боласини дарвоза босиб қолганмиш. Дадахон беихтиёр пулни олди-да, кўчага отилди. Болани шифохонга олиб кетиб бўлишибди. Боласи тушмагур темир дарвозани арғимчоқ қилиб учган шекилли, ошиқ-мошиғи кўчиб кетибди. Шундоқ ҳам кўшнисининг олдинги икки боласи ногирон эди, бунисини энди худо сақласин, ишқилиб.

Дадахон ичкари кирди, мўлтиллаб ўтирган икки ногирон болага кўзига тушдию юраги баттар ачишиб кетди. Она-она дегани ҳам шунақа бепарво бўладими? Дарвоза ошиқ-мошиғидан узилиб кетгудек бўлиб ётади-ю, эт-бетини рост-лаб қўймаса?!

Асаби қайнаб, ўзининг ҳовлисига қайтди. Қўлида ниманидир турганини пайқади. Қараса, укаси олиб келган пул ўрама. Ҳайрон бўлди: қачон олиб

улгурди, нимага олди? Ҳа, болага дори-дармонга деб қарашмоқчи бўлгандир...

У пулни яна галадонга ташлади. Ташлади-ю, дарров қайтиб олди. Хаёлига келган фикрдан бирдан юраги ёришиб кетди: “Сизга шу кўшнимга олиб бераман! Хотиним бечора ният қилиб ниятига етолмади. Ўзиям шу кўшнимизга жон тортиб турарди. Ногирон болаларини ким қанча жойларга олиб бориб қаратган...”

Дадахон сим қоқиб болани сўраб-суриштирди. У ётқизилган шифохонанини топди ҳам. Ҳайрият, соғ-омон экан. Аллоҳ бир сақлабди. У анча хотиржам тортиб, уйкуга ётди.

Туш кўрди. Марҳум хотини каттакон бир тарғил говмишни соғиш билан овора эмиш. Челақ оппоқ сутга тўлиб-тошиб бораётган эмиш. Дадахон хайрон бўлиб дермиш:

“Қуллуғ бўлсин, онаси?”

Хотини кулиб дермиш:

“Эгасига қуллуғ, адажониси, эгасига қуллуғ...”

“Ие, эгаси ўзимиз эмасми? Ким экан у?”

“Кўшнимиз ўткиржон-да, бирам суюндим денг”.


“Унақа бўлса, ўткиржоннинг хотини ўзи соғавермайдими?”

“У кишим ирим қилибдилар, олдини мен соғиб берармишман. Ювошлигини қаранг, миқ этмайди-я...”

Бу раҳмоний туш Дадахоннинг кечаги алғов-далғов ўйларини жойига туширди. Кечаги қарори қатъийлашди. Ўткиржонни ёнига олди-да, бозорга жўнади. Аллоҳнинг марҳаматини қарангки, тушида кўрган она-бола тарғил сизга шундоқ-қина рўпараларидан чиқиб турибди!

Дадахоннинг кўзларидан тирқираб ёш келди...

ИЛМ ВА ТЕХНОЛОГИЯ



10. Юлдузларга чиқиш мумкинми?

Коинотни биринчи бўлиб забт этган зот кимлигини биласизми? Эшитиб ҳайрон бўлманг, бу йўлда илк қадамни пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) қўйганлар. ўн тўрт аср аввал содир бўлган меърож мўъжизаси коинот сари йўл очилиши эди. Эслайлик. Расулуллоҳнинг (с.а.в.) энг буюк мўъжизаларидан бири бўлган меърож ҳодисаси у зоти бобаракот Маккадан Мадинага ҳижрат қилишларидан бир ярим йил аввал, ражаб ойининг 27- кечаси юз берган эди. Ўша кеча Расулуллоҳ (с.а.в.)

Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.

Маккада, Масжидул Ҳаромда эдилар. Жаброил алайҳиссалом у зотнинг (с.а.в.) ҳузурларига ташриф буюрди. У зотни Буроқ исми отга миндириб, аввал Қуддусдаги Масжиди Ақсога элтиди, у ердан эса осмон табақаларига олиб чиқди.

Ўша кеча улвий оламларни сайр этиб, жаннат ва жаҳаннамни кўрган, Аллоҳ таолонинг суҳбатига мушарраф бўлган севикли Пайгамбаримиз (с.а.в.) қайтиб келганларида ҳали ётоқлари совуб улгурмаган экан. Ҳодиса шунчалик қисқа вақт ичида юз берган эди.

Мазкур мўъжиза бугунги техник имкониятлардан қиёслаб бўлмас даражада устун бир тарзда содир бўлган. Бу ҳақда Исро ва Нажм сураларида, Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳадиси шарифларида батафсил сўз юритилади.

Меърож мўъжизасини ҳеч бир инсон зоти бошқа такрорлай олмайди. Аммо у зот очиб берган йўлдан қадам ташлаши мумкин. Аллоҳ таолонинг қудрати ва ато этган мўъжизаси ила Расулуллоҳ (с.а.в.) коинот эшикларини очганлар ва инсониятга самога кўтарилиб, сайёра ва юлдузларга чиқиш мумкинлигини кўрсатганлар.

Ҳаракат қилинса, сайёраларга, ҳатто энг узоқ юлдузларга ҳам учса бўлади. Расулуллоҳ (с.а.в.) бизга моҳияти маълум бўлмаган Буроқ деб аталган бир восита билан чиққанлар. Инсонлар эса космик кема ва бошқа техник намуналар ёрдамида чиқа оладилар.

Зеро, инсоният бу йўлдаги илк қадамни 1969 йилда ойга чиқиш билан бошлаган. Ҳали бошқа сайёраларга ҳам учигга эришилади. Эҳтимол бир кун келиб ёруғлик тезлигида ҳаракат қиладиган воситалар ихтиро қилиниб, юлдузларга ҳам чиқилар. Бугун бу нарса ҳаёл бўлса-да, келажакда

амалга ошиши мумкинлигига ҳеч ким шак келтира олмайди. Чунончи, юз йил аввал ойга чиқиш ҳақида инсон фақат ҳаёл қилиши мумкин эди. Бугун ҳақиқатга айланди. Эртага юлдузларга чиқилишини ким инкор эта олади. Ана шу нуқтаи назардан қуйидаги оятни ўқиймиз:

“Осмонга қасам, тунги йўлчига қасамки, (Эй Муҳаммад), сиз тунги йўлчи нима эканини қаердан ҳам билар эдингиз. (У) учар юлдуздир” (Торик, 1-3).

Қоронғуликни ёриб ўтган учар юлдуз оятда “нажми соқиб” шаклида ифода этилмоқда. Мазкур оятдан айни пайтда коинотни ёриб ўтадиган бир восита ихтиро қилиниб, юлдуз ва сайёраларнинг сирлари кашф этилиши маъносини ҳам чиқарса бўлади. Бугун космосга учурилаётган сунъий йўлдошлар ёрдамида турли сайёралар ва юлдузлар ҳақида маълумот олиб турибмиз.

Чунончи, Шўро сурасининг 29-оятда Аллоҳ таоло истагани он ер ва осмонларни бир жойга йиға олишини билдирадими, бунинг бир маъноси осмонлар ва ер орасида алоқа боғлаш, космос билан ахборот алмашиш воситасида ер ва осмонларни яқинлаштириш, яъни, бирлаштириш демақдир.

Бизга коинотнинг уфқларини очиб берган Пайгамбаримиз (с.а.в.) меърожда Аллоҳнинг қудратини томоша қилгани каби, космосга сафар қилганлар ҳам Аллоҳнинг тенгсиз санъат ва мўъжизаларини кўриб тафаккур қилишдан, ҳайрат ила тан беришдан ва у буюк Яратувчининг ҳузурда саждага бош қўйишдан ўзга чора топа олмайдилар.

Муҳаммад Зариф
ҲИКМАТЗОДА таржимаси



Раъно РАҲМОН кизи

Муборак шаҳри Рамазонни соғиниб яшайди кўнглим. Кунлар, ойлар, бир йил.

Дарвоқе, ўтган Рамазонда илк ният, илк ихлос, илк ифтор дамларида қалбимга нималар ёзибман? "Дунё мулки, кўнгили мулки, охираат мулки". Бу мулклар ичида энг қаттиқ боғланиб қолганимиз "Дунё мулки"дан келадиган иззатлари, изтироблар. Ниҳоят, унинг ўткинчилиги панд берган вақтдаги бесамар тавбалар". Мулкларнинг том маънисига етмоқ истагининг кўздан уйқуни қува олган файзли оқшомлари яна юрагимга кўчиб киради.

Аллоҳ таборак ва таоло Мулк сурасини нозил қилди. Дунёнинг асрори маълум, ҳақиқати аён

йида бўлдим. Камбағал эдим, не машаққатлар билан уйли-жойли, оилали ва қатор бойликларга эга бўлдим. Қўша-қўша машиналарим, дала ҳовлим, ишхоналарим, чет элларда ҳам тижорат дўконларим бор. Энг ёмони шуки, ҳамма нарсам бўлишига қарамай ҳеч нарсам йўқдек, янада кўпроқ ишлашим, бойликни кўпайтиришим зарурдек туюлаверарди. Ҳозир ҳам вақтим беҳуда баҳсга кетаётганидан шу билан бир қаторда, умримда биринчи мартаба ўлимни ўйлаётганимдан ғалати ҳолга тушмоқдаман. Наҳотки мен ҳам ўламан? Менга нима бўлди ўзи, бу қандай кўрқув?

Бу кўрқув мол-мулкдан айрилиш кўрқувими, қаро ерда ётиш кўрқувими, нима бўлганда ҳам ўлимни ўйлади. Энди у агар қалбига Аллоҳ му-

ИЛК НИЯТ, ИЛК ИФТОР ДАМЛАРИ

«Рухият манзаралари» тўрқумидан

бўлди. "Ҳаёт ва ўлим" йўлидан ўтиб қаён борурмиз? Муҳаббатга лойиқ кўрилурумизми? Бу сура не учун "Мулк" деб номланди? Мулк фақат моддий бойликларнинг ўзими?

Мен ўз "мулк"имни кўз олдидан ўтказар эканман, нақадар қашшоқлигимдан азият чекаман. "Ҳаракат қилсанг, водий-водий бойликлар сеники бўлади", дейди бир овоз

- Ул мулкка қорин тўймаса...

- Унга бутун олам тўяди.

Унинг нақадар буюклигию ўзимизнинг нақадар юраги тор, нафси ғолиб, қизғанчиқ ва ожиз инсонлигимизни ўйласак, ўйлай олсак, сукутнинг ўзи тилга киради.

- Кўриниб турган мулки бўлмаса, ундай бахтлиларнинг белгилари, сифати қандай бўлади?

- У тақдирга, дунёнинг ўткинчилигига, тиллар лолу қалблар тилга кирадиган боқий ҳаётга ишонади. Унинг саодатга лойиқлиги халққа фидойилигидадир. Ўзи баҳраманд нарсалардан бошқаларга ҳам илина олган, бошқаларнинг айбини кечира олган ростгўй, халқни Ҳақ учун сева олган инсондир у. У дунё молига бегараз, қалбан бой инсондир.

Кўнглига қандайдир ёруғлик оқиб киради. Ўзи сезмаган ҳолда надомат билан сўзлай бошлайди:

- Ўлим ва ҳаётни ўйлашга на истагим, на эҳтиёжим бор эди. Кеча-кундуз тиним билмадим. Бир сўмни икки, иккени тўрт қилиш па-

ҳаббати тушгудек бўлса, қолган умрини ва бойликларини хайрли ишларга сарфлайди. Илоҳим, шундай бўлсин.

Қазо қилган кишиларга Таборак сураси ўқилиб, савоблари бағишланар. Илоҳим, ўтганларнинг боқий жойлари Таборак нуридан мунаввар бўлғай. Аммо мушоҳада қилсакки: "Майитнинг ўзи нечоғлик "мулк"ка эгадир? Ўлим ва ҳаётнинг моҳиятини англай олдимики? Муҳаббатга эришолдимики?" Бу энди ёлғиз Аллоҳгагина аён-дир.

Ҳақиқатан ҳам, не учун буюк Аллоҳ "Ўлим ва ҳаётни бердик", демокда? Ҳеч бир муддао, мақсадларсиз, қибла эшиқдан кириб, орқа эшиқдан чиқиб кетишлари учунгина ўлим ва ҳаёт ато этилдими инсонга? Ҳадсиз моддий мулкка эга бўлган ҳолда ўн газ матодан бўлакка қурби етмаса? Ҳаётдан мақсад шугинамиди?

Кенглик истаб, тоғу тошга сиғмадим,

Ўйлар босиб келди бошга, сиғмадим,

Баҳор йиғлар, жувон ёшга сиғмадим,

Гул шохини қорга тутган Дўст Ўзи...

Кўнгили бир мулк истайди, беҳисоб саволларга жавоб бўла оладиган бир мулк истайди кўнглим менинг. Истак, ориқиш, соғинчлар... Кунлар, ойлар имиллади, силжиди. Ва ниҳоят, яна муборак моҳи Рамазон... Илк ният, илк ихлос, илк ифтор дамлари...

Омонулло МАДАЕВ,
Ўзбекистон Миллий университети дотсенти

«Худойим ўғил берди...»

“Алпомиш” достонида исломий эътиқод илдизлари

“Алпомиш” достони Ислом дини таъсири аниқ акс этган асарлардан бири. Достон лавҳалари Ислом дини бизга етиб келмасидан аввал ҳам мавжуд бўлган, албатта. Аммо динимизнинг Ўрта Осиёга, Волга бўйида яшовчи халқларгача етиб келиши ва қабул қилиниши достон мазмунига жиддий таъсир ўтказган. Достоннинг мусулмон бахшилар томонидан қуйлана бошлаши “Алпомиш”ни Ислом динига янада уйғунлаштирган, унга исломий дунёқарашни сингдириб берган.

Шуни таъкидлаш жоизки, достонни айтган кейинги бахшилар ҳам – Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан Жомурод ўғли, Бекмурод Жўрабоев, Саид Мурод Панаев, Бўри бахши Содиков, Берди бахши, Ислом шоир, Абдулла шоир, Нурман бахши ҳаммаси Ислом динига эътиқодли, Аллоҳнинг бирлигига ва Ҳазрати Муҳаммад соллоллоҳи алайҳи васаллам Аллоҳнинг расули эканига имон келтирган мусулмон фарзандлари эдилар. Мумтоз адабиётимиз вакиллари Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Ҳувайдо каби ижодкорларнинг назмларида исломий тушунчалар асар матнига сингиб кетганидек, бахшиларимиз қуйлаган достонлар ҳам ижодкор ва ижрочи боболари-

мизнинг дунёқараши билан суворилгандир.

Аллоҳ ўз марҳамати ила инсонга фарзанд ато этади. Бордию бир ҳикмат билан фарзанд берилмаган бўлса, бандаси Яратганга илтижо қилади, кўпнинг дуосини олади.

“Алпомиш” достонининг деярли ҳамма талқинларида фарзандсизлик лавҳаси ўрин олган. Ўғуз талқинининг бош қисмида Боёндурхон зиёфатида қатнашаётган Бойбўрабек ўғуз бекларига мурожаат қилиб, Тангридан фарзанд сўраб беришни илтижо этади. Беклар дуо қиладилар ва Тангри кўпнинг дуосини мустажоб этиб, Бойбўрабекка фарзанд беради.

Қўнғирот талқинида ҳам ака-ука Бойбўри ва Бойсаридан фарзандлари бўлмагани учун бир тўйдаги чапанитоб бойваччадан ҳақорат эшитишади. Улар шоҳи мардон пир – Ҳазрат Алининг (р.а.) равзасига бориб, шайхларга назр-ниёзлар улашиб, чилла ўтиришади. “Орадан бир кам қирқ кун ўтди, бир кам қирқ кун деганда, равзадан овоз келди: “Эй Бойбўриман Бойсаридан, сен бир кам қирқ кундан буён тунаб ётибсан... Яратган худойимиз фарзанд бермайман деди...” (“Алпомиш”, Фозил Йўлдош ўғлидан М.Зарифов ёзиб олган, Тошкент, 1979, 6-бет).

Бу иқтибосдаги “Яратган худойимиз фарзанд бермай-

ман, деди...” жумласига эътибор қилиш керак. Айримлар Бойбўри билан Бойсаридан эътиқод билан шоҳи мардон пирдан фарзанд тиладилар, деб нотўғри хулоса чиқарадилар. Аслида, улар фарзандни Аллоҳдан тилашапти. Инсон ҳар қандай ҳолатга сабр қилиши, муддаосини тинимсиз ва тоат билан Аллоҳдан сўраши лозим. Яратганнинг қарами кенг. Ака-укалар ҳам ғойибдан овоз келгани заҳоти равзадан умидсиз бўлиб чиқиб кетмадилар. Улар қирқинчи кечада ҳам шу ерда қолиб, ихлос билан Аллоҳга ўтинишда давом этдилар... Ниҳоят қирқинчи кечадан сўнг: “Бойбўри, сенга худойим бир ўғил, бир қиз берди, ёлғиз эмас эгиз берди. Бойсаридан, сенга худойим бир қиз берди, эгиз эмас, ёлғиз берди... Болаларининг отини ўзим қўйиб берман”, деган овоз келади.

Маълум бўладикки, бахшилар ҳар бир инсон Аллоҳга бўйсунуши, унга итоат ва ибодат қилиши лозимлигини уқтириб боришган. Шундагина Тангри унга истаган илтимосини бериши мумкинлигини таъкидлашган. Бу тарғибот курук ўғитдан кўра таъсирлироқ бўлган.

Яна бир ҳолат. Исломий руҳдаги асарларда маст қиладиган ичимликлар ичиш кескин қораланади. Жумладан, “Алпомиш” достонида ҳам. Фарзандлари учун қасос ол-



моқчи бўлган Сурхайил кампир Алпомишни маккорлик билан кутиб олади, ёлғон-яшик сўзлар билан уни авраб, зиёфат беради:

*“Ароқ шароқларни кампир
гамлади,
Сухбатга керакли нарса
жамлади...
Узмай коса берар қизлар,
Маст бўн қолди қирқ бир
сардор”.*

Қалмоқларни енга олган Алпомишнинг йигитлари зиёфатда ичиб, маст бўлади ва Сурхайил кампир томонидан ёқиб юборилади. Бойсарини Тойчахон зулмидан озод қилгани келган қирқ икки кишидан фақат Алпомиш ёнмай қолади. Унда қилич кесмаслик, ўқ ботмаслик, ўтда ёнмаслик фазилати бор эди. Бахши бу воқеани баён этиш билан ароқ ва май инсонга ҳамиша кулфат, фожиа олиб келишини алоҳида таъкидлайди.

Достонда ичкиликнинг зарарларини изоҳловчи алоҳида насихатли сатрлар учрамаса ҳам, воқеани кўрсатиш орқали шу фикр янада таъсирчан услубда етказилган.

Зехли тингловчи зарарли маишатга берилиш инсонга бахтсизлик келтиришини ўзи англаб олади. Алпомиш Сурхайил кампир макрига учраб ҳам қирқ йигитидан, ҳам куёви Бектемирдан ажралади. Устига устак, у зиндонга ташланади ва етти йил ватанидан, оиласидан айрилиқда азоб тартади. Бир марта ичкиликка берилиш унинг бутун ҳаётини заҳарлайди.

Хуллас, “Алпомиш” достонида воқеа-ҳодисаларнинг исломий тушунчалар билан узвий боғланишларини ўрганиш асарнинг тарбиявий қимматини оширади.

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли
ФУРҚАТ

ДУО

Қаройғон дилға бергил нури покиндин зиё, ё Раб,
Кетиб занги гунаҳ, ойинадек тобсун жило, ё Раб.

Иноят айлағил, чиқсун кўнгулдин мосиво меҳри,
Бўлай тарки ҳавас қилмакда Адҳамдек гадо, ё Раб.

Замон аҳли ҳама бекордир, роҳи ҳақиқатда
Ўзингдин ўзга йўқтур қўл тутарға ошно, ё Раб.

Келибман дарғаҳингга бош уруб, навмид ёндурма,
Агарчи айладим гафлатда кўб журму хато, ё Раб.

Насиб эт Каъба тавфин, рўза айлаб равзаи ҳазрат,
Турарга қолмади тоқат, санга бул илтижо, ё Раб.

Ҳарам ичра кириб рўйи сиёҳим ерлара сурсам,
Губорин чашми муштоқимга қилсам тўтиё, ё Раб.

Фурури даҳри фоний дилға ваҳми уқбо йўқ,
Фаромуш айлаб ўз жонимға қилдим кўб жафо, ё Раб.

Халойиқ ичра тонг-ла қилмағайсан хаста Фурқатни
Ҳабибинг ҳурмати, шармандаи рўзи жазо, ё Раб.

Нашрга
Сайфиддин РАФЪИДДИН
тайёрлади.

Умар САЙФИДДИН

ИЛК НАМОЗ

ҲИКОЯ

Уҳ-ҳҳ... Бу тонг қандайдир совуқ эди. Иссиққина ётоғимни тарк этгач, телба тўлқинлар ила ҳайқиришиб, таҳдидли шамоли билан деразаларни титратиб ўтган бутун кечанинг совуғини сўриб олган шипшакларга оёқларимни суққанимда ичимда тундан қолган бир жунжикишни ҳис этдим. Хизматкорим одатдагидек ухларди. Уни бу сескантирувчи совуқда иссиқ ўрнидан турғизишга кўзим қиймади.

Хонамнинг эшигини очдим. Ташқари чиқишим билан кишининг йиртқич совуғи юз-қўлларимга чипа ёпишдилар. Бу шафқатсиз изғирин оғушида кафтларимни ишқаладим. Таҳорат олдим. Хонамга қайтганимда ҳийлакор бир илиқлик, бир тасалли нафас каби сочиқ ораларидан билакларим, юзим, намсиққан сочларимни пайнаслаб ўтди.

Уфқнинг илк ойдинлигининг ўткинчи қирмида суқунати туннинг совуқ ва қоронғу пардасини йиртганича тобора катталашар ва кенгаяр эди. Деразага ёндошдим. Қаршимда худди оёғим остида бўлиб кўринаётган бутун уйлар абадий бир уйқунинг уйғонилмас тушларини кўраётгандек, жонсиз ва ҳаётсиз турар эди. Денгиз худудсиз бир ложувард ўрама ичида ухлар ва тонгнинг узилаётган кўлкалари ила титраётган узоқ ва туманли соҳилларга оппоқ долғалар-ла ниҳоятсиз бир айирма чизигини тортар эди.

Уйлар орасида фақир ва нокиз, лекин маънавий азамати билан само сари юксалган эски масжиднинг кичик ва кўҳна миновараси ҳозирча кимсасиз. Сўнгра... Минора теграсида ёшгина муаззиннинг заифгина сояси ҳаракат эта бошлади. Мен хирқамга қаттиқроқ ўрандим.

Совуқдан қўнишганча, ҳорғин бир ҳолда, бу қадарли ва қоронғу коннотга юзма-юз унутилмас бир Илоҳий сасланишнинг хотираси каби чуқур акс этган ва руҳимни тотли бир ҳадик ила титратган азонни тинглар эканман, ўн беш йил бурун тура олганим бу буюк ва руҳоният тўла тонгларнинг биринчисини эслаб кетдим. Оҳ, ўн беш сана аввал...

Ҳозир тасалли доирасидан қанчалар узоқда бўлган онам — дунёда энг севганим бу мухтарам зот — эслайман, ўн беш йил олдин мени илк мартаба бомдод намозига уйротган эди. Унинг хонасига ёнма-ён кичиккина хонадаги митти каловатимда ухлар эканман, сарт, аммо шафқатли бир бўса каби нозик кўл нафис бармоқлари ила сочларимни тараб:

— Қани, Умаржоним, тур. Турақол, болагинам... — деган эди.

Мен кўзларимни очдим. Бурчакдаги кичик ёзув тахтаси устида ёниқ қандилча. Эҳ, уни унутмайман. У бир мушукбош шаклида эди, деразаси иккита бўлган хонамнинг оппоқ, ҳарир пардаларининг сарғимтирлигини ёритар ва яшил шиша кўзлари билан тикилар эди.

— Э-э, онажон, ҳали қоронғи-ку... — дедим мен эриниб.

Онам ҳар вақт ўпадиган жойи — чап қошимнинг учидан такрор ўпиб:

— Йўқ, жонгинам. Соат фалон бўлди, вақт ўтиб қолади, — дея қўлтиқларимдан тутиб турадди.

Ичи юнгли шипшакчаларимни кийганча, кўзларимни муштчаларим билан ишқалаб, онамга эргашдим. Қоронғу йўлакдан бир онда кечиб, хонасига кирдик. Чўнқайиб ўтирган ҳабашга

ўхшаб кетувчи қора ва пастак печимиз гуриллаб ёнарди.

— Ие!.. Парвин ҳам турибди, — деб юбордим.

Парвин хизматкоримиз эди. У мис човғумни печ устидан олар экан, менга қаради. Унинг эрта туришини ҳеч хаёлимга келтирмаган эканман.

— Парвин ҳар тонг вақтли туради, — деди онам.

Мен ҳеч уйғонолмаганим ҳолда унинг ҳар тонг туришига ҳайрон қолдим. Ҳирқамни ечдилар, қўлларимни ишқаладилар. Таҳорат чилопчинининг ёнига чўккаладим. Онажоним:

— Бунақада чарчаб қолсан, — дея тагимга курсича қўйди, шунга ўтира қолдим. Сўнгра охишта амр этди:

— Қани, бисмиллоҳ билан бошла!

Парвин қўлларимга илиқ сув куяр, онам бошимда туриб:

— Юзингни, қўлларингни яна уч марта... — дея пичирлар, мен унутганим замон: — Ие, бошинга масҳ тортмадинг-ку... — каби эслатишлар билан хатоларимни тўғрилар эди.

Таҳоратни тугатгач, онам билан бирга паст овозда дуолар ўқиб, кўл ва юзимни қуруқладик. Парвин эса, оёқларимни артди. Пайпоқчаларимни кийдирди. Исиниш учун печ ёнига бордим. Орқамга қайрилсам, онам зийнатли жойнамозни очаётган эди. Кейин бошига яшил рўмолини ўраётди, мени чақирди:

— Кел!

Бордим. Мен кичкинагина, онам катта — иккаламиз жойнамоздамиз. Болаларча самияят ва саодат ила у меҳрибон, ҳасос онам вужудининг ёнида турдим. Бир-икки жумла билан менга қилишим зарур бўлганларни ва аввалдан ўргатганларини такрорлади:



– Икки ракат суннат. Кечкурун ўрганганларингни ўқигин. Эсингдан чиқмагандир?

– Йўқ.

– Бўлмаса, бошладик.

У биринчи такбирни кўллари-ни кўкси узра кўтариб аёлларча қиларкан, мен ҳам беихтиёр унга тақлид этдим. Суннатни ўқиб бўлгач, менга ёқимли ва жозибали нимтабассум нигоҳ ташлаб, кулимсираганча:

– Болажоним, сен аёл киши эмассан-ку. Аёллар шундай бошлайдилар. Сен эркаксан, кўллари-нинг кулоқларинигача кўтарасан, – деди.

Иссиққина кўллари билан менинг кўлчаларимни кулоқларим томон кўтариб:

– Мана бундай, – дея эркакча ифтитоҳни (намоз бошлаш шаклини) ўргатди.

Мен ҳам такбирни шундай олиб, онамдан фарқимни – нимага эркак бўлганимни, эркакликнинг не эканини, эркак бўлишнинг фақат қизчаларни уриш ва уларга ҳукм қилишдан бошқа фарқлари ҳам борлигини ўйлаб, намозни тугатдим. Дуо вақтида сўрадим:

– Она, қанақа дуо қилай?..

Бу пайт онам дуо қилар ва дудоқлари қимирласа, гўё рўмоли ҳам титраётгандек туюлар эди. Бошини аста силкитиб, дуосини битирди ҳам. Ҳали ҳамон ёдимда:

– Аввало, “Ислонда бўлганим учун, эй Жаноби Аллоҳ, сенга ҳамд этаман”, дегин. Сўнгра “Ватанимизни сақлашни сендан марҳамат этишингни сўрайман”, де. Сўнгра “Бутун азият чеккан, хаста бўлган, фалокатда қолган, фақир мусулмонларнинг соғлиқ ва саломатликларини сендан таманни этаман”, дегин. Ўзинг учун эса, яхши бўлишинг ва шайтон хийлаларига алданмаслигинг учун дуо қил!.. – деган эди.

Мен эсам, бу соддагина туркча дуони қилар эканман, онамнинг жавонида устма-уст тахла-ниб турадиган ва текканимда: “Дуо китоби у, йиртвормал!” тан-

беҳи билан доимо таъқиқланган эски арабча китобларни эслаб кетдим. Ал-Фотиҳа...

Онам жойнамозни йиғишти-раётиб:

– Ухлайсанми ё ухламайсанми? – деб сўради.

Ҳали ухлашим ҳам керакми? Буни билмас эдим... Жавоб бермадим.

– Қани, ундай бўлса, бор, китобингни келтир. Дарсингни так-рорлаймиз.

– Хўп.

Тумандайин хира ёриша бошлаган йўлакдан тез ўтдим. Хонамнинг пардалари бир оз оқарган, кечалик қандилчанинг яшил кўзлари сўниб, икки қора нуқтадек қотган эди. Тунлари унга тикилганимча ухлаб қоладиган бу мушукбош гўё ўлгану ҳаётни тарк этгандек эди. Ёзув столимда очиқ турган китобимни оласолиб, онам олдига чопқилладим. Ҳеч адашмай ўқидим. Онам кечалари кўпинча менга:

– Ётишдан олдин дарсингни уч марта ўқисанг, уйқунгда уни сенга фаришталар ўргатади, – дер эди.

Ўша фаришталар ушбу оқшом ҳам уйқумда менга дарс ўргатдилармикан?..

Онам шафқатли офарини билан бошимни силади ва:

– Ҳали мактабгача кўп вақтинг бор, – дея мени ўз ўрнига ётқизди.

Уйқум келмасди. Онамга тикилардим. Яшил рўмол бошида, ним пушти қоронгулик ичра, бир хаёл каби ҳаракат ила Қуръонини олди ва деразанинг кенгинга токчасига ўтириб, майин ва оҳишта овоз билан ўқий бошладди. Рухимда инлаган бу гўзал сасни тинглай бошладим... Катта, яшил рўмол остида гўёки, вафот этган синглимга ўхшаб кетгувчи чиройли ва соф чехрана кўргандек... ва оҳишта тебранаётган бошини томоша қилганча, паст овоздаги дуо оҳанглари-ни тинглаганча оҳишта кўзларим юмиларди. Пардаларнинг ортидан кўринаётган туманли

само бора-бора ойдинлашар, пастлаб қолган бир неча юлдуз, қуюқ ложувард кимхобдаги мовий ва қимматбаҳо олмослар каби, сўнги нурларини таратганча порларди. Онами малакларга ўхшатардим. Шундай хаёл билан фаришталарни ўйлаганча, Қуръон ўқиётган онамнинг атрофида ҳозир тўпланишлари керак бўлган малакларни кўраётгандек юмилардим. Чехрам охиратда гуллар битадиган, жаҳаннамга кирсам-да қатъиййан ёнмайдиган чап қошимнинг учлари ёқимли бир насимни ҳис қилар... кейин онамнинг товушидан нурли бир ранг олиб ёришдан дудоқларининг қимирлашига тикилганча...

Ўша кўринмаётган фаришта қанотларини сочларимга, онамнинг Қуръон ушлаган нозик бармоқлари ила силаган саллачамга ва қуюқ сочларимга тегизаётгандек туюлар эди...

Эҳ, ўн беш йил аввалги у маъсум болалик ва ҳозирги ҳолатим... Тотсиз, нашьасиз, севгисиз, меҳрсиз ва ҳаяжонсиз, ҳеч нарсасиз, бўш ва бекор ўтган, андуҳларга бурканган ҳаёт... Ҳозир ёмон амаллар ила, хирсу ҳаволарда, ҳақиқатда қийматсиз ва эришилиши даргумон орзулар-ла – қисқаси, буларнинг ҳаммаси шошқин хулосалик, бе-сабаб ва бебардош тўхтамсизлик ила яраланган руҳим, яраланган қалбим ва маънавиятим. Ҳозир яна бу тун кўрилганидек, ўн беш сония аввал зуҳур этган руҳоний қийматли туш каби саодатлари унутилмаган ва зотан ғалвалик ва пушмонлик тўла бир рўё бўлган бу фоний нарса туш бўлмай, ёлғиз болалик ва унинг хотираларидир...

Энди тушумокдаманки, ҳаётда чорасиз ва шафқатсиз мозийларнинг йўқ бўлишидан ҳосил бўлган на ғариб бир ҳечлик, на ўткинчи ва хаёл тўла кераксиз, на ўринсиз, на сирлар тўла бир суръат бор!..

Туркчадан
Отабек РУСТАМБЕК
таржимаси

Мен тўққиз йилдан бери жуда хатарли бир мараздан азоб чекар эдим. Бу мараз саратон (рак) бўлиб, унинг нақадар дахшатли ва ҳатто номининг ўзиёқ этларни жунжиктирувчи эканини ҳар ким яхши билади.

Тўғриси, у пайтлар ғофил эдим. Гўзаллик, куч-қувват ва сихат-саломатлик умр бўйи бирдай давом этадигандай юрардим, саратондек тузалмас бир дардга чалинишимни хаёлимга ҳам келтирмаганман. Бу дардга гирифтор бўлганимдан сўнг бутун аъзои баданим, бутун вужудим ларзага тушди. Фақат ундан қутулиш йўлларини ўйлайдиган бўлиб қолдим. Аммо, қандай қилиб? Шу жумбоқ мени гангитар эди. Турсам ҳам, ўтирсам ҳам, фикру ўйимда шу бўлиб қолди. Ҳатто баъзан жонимга суиқасд қилишни ҳам хаёлимдан ўтказиб бошладим. Бироқ эримни ва фарзандларимни жуда яхши кўрганимдан бу ишга қўлим бормасди. Ғофиллигим туфайли масаланинг Аллоҳга тааллуқли жиҳатини, яъни, ўзини ўзи ўлдириш гуноҳ эканини, бунинг учун Аллоҳ киёмат кунини қаттиқ жазо беришини ўйлаб ҳам кўрмасдим.

Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, бу меҳрибон ва раҳмли Зот мени ўша касаллигим туфайли ҳидоятга бошлади ва менинг аввалги ва кейинги ҳолатимни кўрган жуда кўп кишилар ҳам ҳидоят топишди.

Даво излаб эрим билан Белгияга бордик, кўп дўхтирларга учрадик. Улар кўкрагимни кесиб ташлаш лозимлигини айтишди. Соч, киприк ва қошларимни тўкиб юборадиган, тирноқ ва тишларимга зарар етказадиган ўта кучли дориларни таклиф қилишди. Бундай дорилардан бош тортдим. Кўкрагим, сочим ва Аллоҳ таоло ато этган бошқа аъзоларимдан ажраб яшагандан бутун ҳолимча ўлишни афзал кўрдим. Аммо шунча жойдан келиб қуруқ қайтмай деб бирорта энгилроқ дори ёзиб беришларини сўрадим.

ФАРАНГ ХОНИМНИНГ ДАРДУ ҚУВОНЧИ

Ғарблик бир аёл мутлақо тузалмас, дахшатли бир касалликка мубтало бўлди. Табиблар "рак" — саратон деб аталмиш бу дард давосига ожиз эдилар. Бечора аёлнинг яшашга ишончи қолмади. Бироқ шундай бир ҳолатда Аллоҳнинг марҳамати ила бу ожиза шифо топди. Байтул Ҳарамда Яратганга чексиз илтижолар қилди, чин ихлос билан дардига шифо тилади. Аёлнинг муроғи ҳосил бўлди. Зотан, ягона Аллоҳгина ҳар нарсага қодир зотдир.

Азизлар, келинлар, яхшиси воқеалар тафсилотини ўша ожизанинг ўзидан эшитайлик.

Уйга қайтиб, улар ёзиб берган дори-дармонларни истемол қила бошладим, лекин таъсири мутлақо сезилмади. Ўзимча бу ҳолатдан хурсанд ҳам бўлдим. Эҳтимол дўхтирлар адашгандир, мен бу касалликка чалинмагандирман, деган умидли хаёлларга ҳам бордим. Аммо, бахтга қарши, касаллик хуружи тўхтамас эди. Орадан етти ойлар ўтгач, тобора озаётганимни, оғриқ кучая бошлаганини ва ранги рўйим ўзгараётганини сездим.

Дўхтирлар яна Белгияга боришимни тавсия қилишди. Эрим билан яна йўлга чиқдим. Касаллик кучайиб, захми бутун баданимга тарқалаётганини, ҳатто ўпкамда ҳам саратон асоратлари пайдо бўлганини эшитиб чуқур қайғуга ботдим. Дўхтирлар менинг Белгияда ўлиб қолишимдан хавотирланиб, тезроқ уйга кетишим лозимлигини айтишибди. Бу сирдан кейинчалик воқиф бўлдим. Эрим қаттиқ изтиробда қолибди. Шу сабаб тўғри уйга қайтмасдан, шифо ниятида Франсага ўтиб кетдик. Аммо у ерда ҳам дарднинг давосини топа олмай, сарсон-саргардон бўлдик.

Охири мен ўзимни жарроҳларнинг қўлига топширишга, яъни, кўкрагимни кесиб ташлашларига рози бўлаёздим.

Шундай қунларнинг бирида эрим биз унутган ва ҳаётимиз мобайнида ғофил бўлганимиз улуг Яратувчини қутилмаганда эслаб қолди.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло муқаддас Байтуллоҳни зиёрат қилиш, у ерда ёлғиз Ўзигагина юзланиб, барча мусибатлардан халос этишни илтижо қилиб сўрашни эримнинг дилига солган эди. Биз бу ишни бажаришга қарор қилдик.

Вужудимни қандайдир хушнудлик чулғаб олган эди. Хуш кайфиятимга Аллоҳнинг муқаддас даргоҳини зиёрат қилишга бораётганим сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас.

Хўжайиним билан Париждан Қуръони Карим харид қилдик, такбир ва тасбеҳ айтиб, тўғри Маккаи Мукаррама зиёратига қараб жўнадик.

Байтул Ҳарамга етиб келгач, ичкари кириб, Каъбани кўрдиму ўзимни тута олмай, йиғлаб юбордим. Аллоҳ фарз қилган ибодатларни, намоз, рўзаларни, хушў, тазарруъ каби амалларни бажармай ўтказган умримга ачиниб, кўп афсус-надомат чекдим. Сўнгра Аллоҳга илтижо қилиб:

— Эй пок Парвардигор, қаршимда барча умид эшиклари ёпилди. Фақат сенинг эшигинг очикдир. Энг сўнги илинж ва умид таянчи бўлмиш эшикларингни менинг юзимга ёпиб қўйма. Ўзинг раҳм қил! Дўхтирлар мени даволашдан ожиз қолдилар. Энди шифо сендан ва фақат сендан дир, — дедим.

Байтуллоҳни тавоф қилдим: ноумид қилмаслигини ва ёрдам-



сиз қўймаслигини ҳамда ҳамма дўхтирларни лол қолдириб менга шифо беришини ялиниб-ёлвориб чин кўнгилдан сўрадим.

Ха, дарҳақиқат, мен ғафлатда эканман, Аллоҳнинг энг тўғри ва ҳақ динидан беҳабар, бебахра юрган эканман.

Бир куни маккалик уламолар ва шайхлар олдига бориб, менга фойда берадиган диний китоблар беришларини, ўқилиши тилимга енгил келадиган шифобахш дуолар ўргатишларини илтимос қилдим. Илтимосим ерда қолмади. Улар менга Қуръон тиловат қилишни ва замзам сувидан тўйиб-тўйиб ичишимни насиҳат беришди. Айни чоқда, ўша улур уламолар менга кўпроқ Аллоҳни зикр қилишимни ҳамда Пайғамбарга (с.а.в.) ҳексиз савоатлар айтишимни тайинладилар.

Мен Байтуллоҳда ички бир рухий хотиржамлик ва осойишталикни хис этдим. Меҳмонхонага бормай, Каъбада қолишга эримдан рухсат сўрадим. Байтул Ҳарамда мисрлик, туркиялик бир қанча савобталаб аёллар менга ҳамсухбат бўлишди. Тинимсиз йиғлаётганимни кўриб, сабабини сўрашди. Бу муқаддас маконга келиб, Аллоҳ таолога меҳр-муҳаббатим ҳаддан зиёд ортганини билдириб, оғир бир дардга йўлиққанганимни сўзлаб бердим.

Улар менга ҳамдардлик билдириб, ёнимдан ажрамай қолишди. Байтуллоҳда эътиқофда ўтирганимни билгач эса, улар ҳам ўз эрларидан ижозат олиб, менинг ёнимга жойлаштишди.

Биз тунлар деярли ухламасдик, жуда кам овқат ердик, лекин замзам сувидан тўйиб-тўйиб ичардик. Чунки Пайғамбаримизнинг (с.а.в.): “Замзам сувидек ичимлик йўқ. Кимки уни шифо талабиди ичса, Аллоҳ унга шифо беради. У касалга шифо, ташнага чанқокбосди, очга таомдир”, деган сўзларини билар эдик. Тинимсиз ибодат қиламиз, икки ракатдан намоз ўқиймиз-да, замзам сувидан тўйиб ичиб, яна тавоф қилишга шўнғиймиз.

Байтуллоҳга келган кунларим озғин эдим. Баданимнинг юқори қисмини саратоннинг асорати бўлмиш кичик-кичик юмалоқ томчилар ва яра-чақалар босган эди. Дугоналарим менга ўша яраларни замзам суви билан ювишимни маслаҳат беришди. Мен эсам, яраларимга тегиб, яна касалим хотирга келади, Аллоҳ зикридан чалғиб қоламан, дея қўрқар эдим. Шу сабаб у жойларга сув теккизмай, эҳтиёткорлик билан ювиниб туришни лозим топдим. Бешинчи куни ҳамроҳларим кисташди. Рози бўлмадим. Аммо қандайдир бир ғайбий куч қўлимга замзам сувидан олиб, баданимга суртишга мени мажбурлагандек туюлар эди. Бу ҳол бир неча бор такрорлангач, беихтиёр йирингли яра-чақа босган кўкрагимни замзам суви билан юва бошладим.

Шунда фавқуллода ходиса – мўъжиза содир бўлди. Танамдаги бор яра-чақа бир-бир тўкилиб кетди. Вужудимда бирдан на оғрик, на қон ва на бир йирингдан асар қолди.

Ҳайронлик ичра гангиб баданимни пайпасладим. Баданим соппа-соғ эди. Сесканиб кетдим. Дарҳол Аллоҳнинг қудратини зикр этдим ва ҳамда айтдим. Янги топган дугоналаримнинг биридан ўша яраларнинг ўринларини текшириб кўришини сўрадим.

Баданимнинг соппа-соғ, топ-тозалигини кўриб, беихтиёр ҳаммалари қичкириб юборишди:

– Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!

Бу қувончли хабарни эримга етказиш учун тез меҳмонхонага жўнадим.

– Аллоҳнинг меҳрибонлигини қаранг, – деб соғлом танамни кўрсатдим.

Ҳайратдан ёқа ушлади. Бўлиб ўтган барча воқеаларни қайта сўйлаб берганимда ишонгиси келмас эди. Ўзини тута олмай севинчидан йиғлаб юборди ва баланд овоз билан:

– Дўхтирлар сени, уч ҳафтадан кейин ўлади, деб башорат қилганларини биласанми?! – деб хитоб қилди. Шунда мен:

– Ажалим фақат Аллоҳ қўлидадир. Ғайбни фақат Аллоҳ билгувчидир, – дедим.

Биз Байтуллоҳда яна бир ҳафта турдик. Сўнгра Мадинаи Мунавварага бориб, Пайғамбар (с.а.в.) масжидларини зиёрат қилдик-да, Франсага қайтдик. Франсада дўхтирлар менинг соғайганимни кўриб, саросимага тушишди, жинни бўлишларига сал қолди. Чамамда, улар мендан: «Сиз фалончимисиз?» деб сўрашди. Мен кўксимда фахр ва қатъийат ила:

– Ха, мен ўша Фалончиман, эрим Фалончи, – деб жавоб бердим.

Дарҳақиқат, мен тавба қилдим. Яратганга қайтдим, фақат Аллоҳ таолодангина кўрқадиган, фақат ундангина нажот кутадиган бўлдим. Зеро, тақдиримизни У белгилайди, ҳукм ҳам Уникидир.

Ўша номдор дўхтирлар:

– Бу ҳолатингиз ўта ғаройибдир. Қайта текшириб (рентген қилиб) кўриш керак, – дейишди.

Текширишди ҳам, аммо касалликдан бирор асар топишмади.

Илгари нафас олишда ҳам қийналар эдим. Байтул Ҳарамда Аллоҳдан шифо сўраганимдан кейин бу дардимга ҳам даво топдим.

Шундан кейин Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) сийратлари ҳамда саҳобаи киромларнинг тарихлари битилган китобларни ўқидим, ўргандим. Кўп мутаассир бўлиб, узоқ йиғладим. Аллоҳ таоло ва унинг расулини севмасдан ўтказган умримга кўп афсуснадоматлар қилиб, тинимсиз йиғлайвердим.

Мен Аллоҳ таолонинг неъматларига шукрона айтаман ва гуноҳларимни кечириб, тавбаларимни қабул этишидан умидворман...

Азизим, шу ўринда бир ожизанинг ғаройиб ва ғоятда ибратли ҳикояси яқун топади. Ундан насиҳатланиш ва зарурий хулосалар чиқариш ўзимизга ҳавола.

БОШҚОТИРМА

И	И	А	О	М	К	А	Ф
Я	И	Е	Н	А	Т	О	И
С	Н	М	Ф	И	Л	И	В
Ъ	Р	Ҳ	О	Ё	М	Қ	
И	И	Р	Қ	З	Л	М	А
Н	И	А	А	А	А	Л	А
З	Қ	К	Е	.	А	З	И
К	И	Л	Қ	И	Т	Н	Ҳ

Ушбу шахмат катакларидagi харфларни от юриши бўйича ўқиб чиқсангиз, Байхақий ривоят қилган ҳадиси шарифлардан бирини билиб оласиз.

Эслагма: Юриш от турган катакдан бошланади ва хар катакда бир мартадангина юриш лозим.

Тузувчи: Салимжон БАДАЛБОВ

2000 йил 5-сонда берилган бошқотирманинг жавоблари

Жавоблар:

1. Одам. 2. Бадр. 3. Саба. 4. Мусо. 5. Марс. 6. Рабб. 7. Банк. 8. Наср. 9. Соат. 10. Эгар. 11. Сано. 12. Анас. 13. Сари. 14. Умар. 15. Киви. 16. Ироқ. 17. "Тико". 18. Рига. 19. Шоли. 20. Эрон. 21. Илон. 22. Юнус. 23. Корт. 24. Ёфас. 25. Теша. 26. Фаҳд. 27. Эшик. 28. Илёс. 29. Ёқуб. 30. "Умид". 31. Нисо. 32. Қари. 33. Озар. 34. Тоҳа. 35. Ўпка. 36. Асал. 37. Тақа. 38. Аҳад. 39. Сара. 40. Сора. 41. Коса. 42. Отар. 43. Зино. 44. Кито.

Зукко ўқувчилар

2000 йил 6-сонда берилган ёзув-топишмоқнинг жавоби: «**Вақт қилич каби кескирдир. Сен уни кесмасанг, у сени кесади**». Уни Билолиддин Васиев, Абдулбосит Азимов (Марғилон), Солижон Исмоилов (Қорақалпоғистон, Хўжайли), Абдурашид Исмоилов (Ангрен), Юнусали Тоҳиров (Тошкент), Сурайё Холмухамедова (Зангиота) тўғри ўқишган.

2000 йил 5-сонда берилган бошқотирмага эса, Солижон Исмоилов (Қорақалпоғистон, Хўжайли), Юнусали Тоҳиров ва Баҳриддин Турғуновлар тўғри топишган.

Муҳтарам биродар!

Биз бу дунёга шайтонга, ўз нафсимизга қарши курашмоқ учун келдик. Бу курашда енгилмас ва энг яхши қурол илмдир. Зеро, илм зулматда нур, бепоён чўлларда энг содиқ ҳамроқ ҳамдир.

Хонадонингиз зиёга тўлишини, қалбингиз ором олишини, нафсингиз мағлуб бўлишини истайсизми?

Диний-ижтимоий, илмий-адабий нашримиз «Хидоят» журнали ҳамда «Ислому нури» газетасига 2001 йил учун обуна бўлинг, дўстимиз бўлинг!

Обуна барча почта бўлимларида давом этмоқда. Нашр кўрсаткичимиз 1034.

О Б У Н А - 2 0 0 1